

Ушб.2
89
P-26

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



АДАБИЙ ТАҢҚИДНИНГ ТАҲЛИЛ ЙЎЛЛАРИ

Филолог-бакалавриятлар учун
ўқув қўлланма

Тошкент – 2003

УД.2
89
P-26

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети

АБДУГАФУР РАСУЛОВ

АДАБИЙ ТАНҚИДНИНГ ТАҲЛИЛ ЙЎЛЛАРИ

Филолог-бакалавриятлар учун
ўқув қўлланма

~~ToshDU
O'zbek Respublicasi
fakulteti
KUTUBXONASI~~

21224

Тошкент

2003
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Масъул муҳаррир: п.ф.д., проф. Қ. Йўлдошев.

Тақризчилар: ф.ф.д., проф. Нўъмон Раҳимжонов,
ф.ф.д., проф. Ҳамидулла Болтабоев.

Филология фанлари доктори Абдуғафур Расуловнинг мазкур ўқув қўлланмаси янги ўзбек танқидчилиги материаллари асосида ёзилган. Муаллиф адабий танқиднинг илмий-назарий масалаларини қиёсий, типологик йўналишда ёритишга ҳаракат қилган. Ўйлаймизки, мазкур ўқув қўлланма талабаларнинг адабий танқид назарияси бўйича билимини бойитади, таҳлил йўллари, таҳлил услуби билан яқиндан таништиради.

БАДИЙ ТАҲЛИЛ ЙЎЛЛАРИ

Таҳлил – адабий-танқидий фаолиятнинг асоси, талқиннинг намоён бўлиши, кадрят баҳосининг зухурланиши. Таҳлил-матн моҳиятига кириб бориш, маъно катламларини кунт, зийраклик билан ўрганиш, сўзлар, ҳатто оҳангларга юкланган вазифа-маъноларни калбнинг нафосат тарозусида ўлчаш. Таҳлил-сатрлар силсиласини англаш, улар қувватини белгилаш, маънолар катламларини синчковлик билан ўрганиш. Дейлик, шоир: «Сўйласин Ўрхун хати» деган матн яратган экан, мунаққид шу матнни ижодий ўқиши, таҳлил қилиши, бутун борлиги билан тинглаши, кўҳна битик “тарихи”ни ёритиб бериши жоиз.

Адабий матн – белгилар, имо-ишоралар пардасига ўралган тилсим. У услубий бетакрорлик, кўникилмаган оҳанг. Қилни қирқ ёрадиган, маҳоратдан заргарга дарс берадиган мунаққидгина тилсимлар сирини англайди, услуб, оҳанг бетакрорлигидаги маъноларни очиб беради. Ҳозирги ўзбек адабиётида семиотик (имо-ишоралар, белгилар) таҳлиliga тоб берадиган асарлар бор. Мухими, кейинги йилларда мумтоз, замонавий ўзбек шеърятини семиотик таҳлил қилишга йўналтирилган асарлар пайдо бўлмоқда.

Адабий матн мураккаблашиб, имо-ишоралар кучайиб, маънони пардали ифодалаш йўсинлари кўпаймоқда. Модерн адабиётни ўзлаштириш алоҳида тайёргарликни талаб этмоқда. Ўртача китобхон машҳур асарларни уқиш, ҳузур қилишдан маҳрум бўлиб қолаёпти. Аксарият китобхонлар Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романини маза қилиб ўқиганлар. Лекин ҳамма китобхон ҳам шу романдаги матн ости маъноларни, имо-ишораларни англаб етганмикин? Рус танқидчиси Лев Аннинский «Кентаврлар пойгаси» мақоласида «Қиёмат» романини шундай таҳлил қиладики, кишида ҳавас уйғотади. Мунаққид асарнинг асосий қаҳрамонларидан бирининг исми, насаби мазмунидан романнинг муҳим қалитини топиб олади. Авдий – гуноҳларни кечирувчи; Иннокентий – шафқат қилинган, бегуноҳ; Каллистрат – ёқимтой жангчи, жаҳолатга қарши борувчи, деган маънони англатар экан. Мақола пировардида Л.Аннинский ўзининг барча ҳамкасбларига қувлик қилади: «Сизларни, мунаққидлар, Айтматов роса тузлади! «Қиёмат» – белгилар, имо-ишоралар романи. Унда янги замон тафаккури

бор».

¹ «Вопросы литературы» журналы. –1987. № 3.

Хўш, модерн адабиётда имо-ишоралар, белгилар, интеллектуал даража ортиб бораётган, адабий матн сирли бойликка, тилсимланган хузурга айланаётган экан, унга эришиш йўллари қандай, китобхонга (танкидчига ҳам) йўл-йўрик кўрсатадиган восита, адабиётлар мавжудми? Бизда китобхонлик, унинг даражаси ҳақида кўп гапирилади-ю, ammo муаммонинг ҳал қилиш йўлларига эътибор берилмайди.

XX асрнинг етмишинчи йилларидан эътиборан Ғарбий Европа, Америка халқлари адабиётшунослиги ва танкидчилигида китобхон муаммосига алоҳида эътибор берилди. Ўзлаштириш эстетикаси фан сифатида ривожланиб, ўз мавқеини мустақамлай бошлади. Ганг Роберт Яусс, Уилсон Найт, Де Хаард, Вольфганг Изер, Роберт Пенн Уоррен, Рене Уэллек, Нортрон Фрай, М.Рифатер сингари олимлар китобхонлик муаммолари билан шуғулландилар. Булар инглиз Томас Элиот (1888-1965), рус Валентин Асмус (1894-1975) сингари олимларнинг эстетика, адабиётшуносликка оид қарашларини изчил давом эттирдилар. Айниқса, «Поэзиянинг вазифаси ва танкиднинг ўрни» (1933, Т.Элиот) асари улар учун таянч вазифасини ўтади. Бадий асарнинг ўқилиши, ўзлаштирилиши муаммолари немис олими Вольфганг Изернинг «Имплицит китобхон» (1976), «Ўқиш ҳолати» (1978) китобларида ўртага қўйилган. Олимнинг таъкидлашича, ҳар қандай бадий матнда икки кутб мавжуддир. Биринчи кутб бадий матннинг мукамаллигига тааллуқли.

В.Изернинг таъкидлашича, адабий матнда яширин (имплицит) китобхон фаолият кўрсатади. У хамиша реал китобхон билан рўбарў келади: асарнинг эстетик бойлиги имкониятнини реал китобхонга юктиради. Адабий матндаги бадийлик кутби ўзгармаган ҳолда, эстетик кутб-имплицитив китобхон реал китобхон таъсирида ўсиб, ўзгариб боради – замоннинг эстетик – маънавий эҳтиёжларига юз боради. Шундай асарлар борки, китобхон (танкидчи)даги эстетик эҳтиёж бойиб, ортиб боравергани сайин матндаги заҳира каватлар, имкониятлар ўзини намоён эта боради. Буни В.Изер маънолар зич, тифизлигининг континууми (кат-катлиги) дейди. Адабий матн ҳеч қачон бир йўналишдага ахборот ёхуд ҳужжат сифатида қабул қилинмайди. У хамиша, ҳар қачон маънолар кўпқаватлилиги, зичлиги манбаидир. Бадий матн талкин қилинган реаллик ортида юз кўрсатган яна аллақандай тушунчалар, ҳолатлардан хабардор қилиши жоиз. Гоҳо шундай бўладики, одам қанча сув ичса ҳам чанқоғи қонмайди. Ҳақиқий бадий асар руҳий – маънавий чанқокни орттириб, кўчайтириб,

айни вақтда онг билан эмас, калб билан англаш туйғусини ўстириб бораверади.

Ўқиш ҳолати, адабий матннинг бадиий имкониятлари, эстетик завқ – шавкнинг даражаси ҳақида гап борар экан, Чўлпоннинг «Улуғ Ҳиндий» мақоласидаги мана бу гап – муносабат ёдга тушаверади: «Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фуркат, Муқимийларни ўқийман: бир хил, бир хил, бир хил!

Кўнгил бошка нарса – янгилик кидирадир: Боту, Ғайратий, Олтой, Ойбек, Жулқунбойларни ўқийман, қувонтирадир, холос! Улар менинг учун ёнғон чироклар бўлса, менинг эртам учун! Авлоний, Тавалло, Сиддикий ва Ҳақимзодаларни ўқимайман, ўқумайман, мени шу ҳолга солғон ўшалар!...²

Чўлпон фикрини ҳар ким ҳар хил талкин қилади. Менимча, Чўлпон маъноси теран, китобхонни ром этадиган, ўйлантирадиган асарларни орзу қилиб, аксинча, панд-насиҳат йўсинидаги, маъноси саёз асарлардан нолиб, юқорида келтирганимиз – фикрни айтган.

Ўқиш ҳолати ҳақида тўхталинар экан, В.Изер қабул қилишнинг жамлаш кўринишига эътибор беради. Биронта китобхон йўқки, у асарни бевосита, қандай бўлса шундай қабул қилсин. Китобхон асарни ўқир экан, замоннинг мазмун ва ижтимоий ҳолатини, эстетик ҳис ва шаклланган дидни, ўқилаётган асарнинг қабул қилиниши тарихини кўшиб олиб боради. Бошқача айтганда, ўқиш, истеъмол қилиш жараёни ижтимоий-маънавий қарашлар билан тўлдирилиб, бир нуқтага уюштирилиб оптика ҳолатига келтирилиб берилади. Демак, бадиий матнни ўзлаштириш ўта мураккаб ҳолат, жараёндир.

В.Изернинг «Ўқиш ҳолати» асарида бадиий матннинг мутахассис китобхон (танқидчи) ва оддий қабул қилувчи томонидан ўзлаштирилиши масаласига алоҳида эътибор берилади. Оддий китобхон асарни ўзича қабул қилади, унинг қарашини, тушунчасини ўзига хос бўлади. Мутахассис китобхон – танқидчи асарни ўқир экан, беихтиёр жамиятнинг эстетик қарашларини сингдириб юборади.

Ҳозирги ўзбек танқидчилигида кизик бир ҳолат кузатилмоқда. Яъни, XX асрда, Шўро даврида ижод этган истеъдодли шоирларнинг асарларида истиқлол, Мустақил Ўзбекистон қуйланганлиги аниқ кўриняпти. Чўлпон шеърятининг асосий масалаларидан бири – эрк, озодлик эди. Шоирнинг озодлик, инсон эрки ҳақидаги асарлари бугунги ўқувчининг маънавий – эстетик эҳтиёжларини қониқтирмоқда. Абдулла Орипов ўз ижодини 60-йилларда, Ўзбекистон истиқлолидан 30 йил муқад-

² Чўлпон. Адабиёт надури. –Т.: Чўлпон, -1993. –Б. 57-58.

дам бошлаган эди. Унинг аксарият асарлари Ўзбекистон мустақиллиги йўлида «курашганлиги» очик – ойдин кўринмокда.

Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси, «Инсон» ғазали, «Шаркий киргоқлар», «Қалб шундай уммонки...», «Куллик қил демасман» шеърлари катида эрк алангаси сезилиб туради.

Шавкат Раҳмон истиқлолга бундай ишонган эди:

*Порлар тошга дўнган сўзларим,
Порлар мангу одамий руҳим.³*

Хуллас, таҳлил ва унинг турли шакл-шамойиллари танқидчи истеъдодининг кўрсаткичи, талкиннинг синалган воситалари, ишонарли баҳо ифодаси.

МИКРОАНАЛИЗ ИМКОНИАТЛАРИ

Микроанализ – кунт билан ўқиш, мағзини чақиш орқали таҳлил қилиш. Адабий матни синчиклаб ўрганиш, биринчидан, ундаги узук-юлуқликни, парокандаликни, иккинчидан, матндаги «синган», «мажруҳ бўлган» ўринларни, учинчидан, бир услубнинг бегона услуб билан алмашиб қолишини, тўртинчидан, матнга сингишиб кетмаган, «бегоналигича» қолиб кетган образларни, бешинчидан, асар муаллифи руҳияти-ҳолатида рўй берган ўзгаришларни бехато кўрсатади. Кунт, диққат-эътибор билан таҳлил қилишга – микроанализга мисоллар кўп. Самарқанд Давлат университетида XX асрнинг 60-йиллари-гача профессор бўлиб ишлаган, синчиклаб ўқиш методини янгича қарашлар билан бойитган Я.О.Зунделович Ф.М. Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романини синчиклаб ўрганар экан, машҳур роман матнига ташқаридан аралашув бўлганини, асл матннинг баъзи ўринлари сохталаштирилганлигини сезади, ўз қарашларини баён этади. Кейинчалик тадқиқотчи В.Я Кирпотин архив материаллари, Ф.М.Достоевскийнинг мактубларини ўрганиш натижасида ҳақиқатан ҳам «Жиноят ва жазо» романи матнига четдан аралашини жинояти рўй берганини аниқлайди. Аниқроғи, «Жиноят ва жазо» романининг

³ Шавкат Раҳмон. Сайланма. –Т.: Шарк, -1997, –Б. 155.

хотима қисми адабий амалдорларнинг аралашуви билан ўзгартирилганлиги факти ойдинлашади⁴.

XX аср ўзбек танқидчилигида синчиклаб ўқиб, холис талқин қилинган асарлар бор. Масалан, Вадуд Маҳмуд Чўлпон лирикасини синчиклаб ўқиган, маҳорат билан таҳлил қилган. Ойбек ҳам 20-йилларда Чўлпон лирикаси ҳақида самимий қарашларини ифодалаган. Танқидчилик 40-йиллардаёқ А.Қаҳҳор ҳикояларини, Ҳамид Олимжон лирикасини (Ойбекнинг «Армуғон» тўпламида (Тошкент – 1944 йил) босилган «Оташин ватанпарвар ва талантли шоир» мақоласи назарда тутилади – А.Р) синчиклаб ўқиш орқали таҳлил қилган. 50-60 йилларда М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов сингари мунаққидлар матн таҳлилига асосланган танқидни ривожлантирдилар. Кейинчалик Наим Каримов, Бегали Қосимов, Шерали Турдиев, Ғаффор Мўминов, Нўмон Раҳимжонов, Бойбўта Дўстқораев сингари адабиётшунос – танқидчилар бадиий асарни асл матн асосида тадқиқот олиб бориш қондасини асос қилиб олдилар. Раҳмон Қўчқор, Яшар Қосим, Сувон Мели, Баҳодир Карим сингари адабиётшунос-танқидчилар асл матнга асосланган ҳолда хулоса чиқармоқдалар. Афсуски, 20-йиллардан бошлаб ўзбек танқидчилигида бадиий матнга бепарволик билан қараш, унга юзаки муносабатда бўлиш кайфияти авж олди. Олим Шарафиддинов, Усмонхон, Сотти Ҳусайн, Раҳмат Мажидий, А.Саъдий сингари танқидчилар бадиий матнни, синчиклаб ўқишни муҳим деб билмадилар. Бадиий матнга бепарво муносабатда бўлиш ўзбек шўро танқидчилигини обрўсизлантиради. Танқидчилигимизнинг яқин тарихида шундай мақола, тадқиқотлар борки, уларни ўқиб уялиб кетасан киши. Ваҳоланки, микроанализ – сўзни ҳис қилиш, ёзувчи услубини англаш, матн маъзини чақиш.

Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеъри – юксак санъат намуналаридан: унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир белгиси буюк севги, садоқат, вафо рамзи. «Аёл» – муқаддас китоб оятидай аниқ, лўнда, пишиқ, мазмунан теран шеър. Очил Тоғаев мазкур шеърни тушунмасдан, ҳис қилмасдан таҳлил қилади. Таъбир жоиз бўлса, мунаққид кадриятнинг муқаддас тарозусида ўлчаниши – баҳоланиши лозим бўлган асарни қарам, картошка, гўшт сингари моддий неъматлар тортиладиган тарозуга қўйиб тортади: асарни хўрлайди, шоирнинг муқаддас туйғуларини поймол қилади. Наҳотки Абдулла Орипов «Аёл» шеърини яратаётганда Очил Тоғаев даъволарини ҳаёлининг бир чеккасига

⁴ Маълумот Ю.Боревнинг Искусство интерпретации и оценки (–М.: Советский писатель, – 1981) китобининг 74-саҳифасидан олинди.

келтирган бўлса?! Абдулла Орипов тасвирлаган мукаддас Аёл қаёқдаю, Очил Тоғаев мақоласида ўрнатилган кўрсатилган серпушт хотин қаёқда?! Очил Тоғаев ёзади: «...аёлнинг уруш келтирган худолни, алам-изтиробларнинг асири бўлиб, дунёдан тоқ ўтиши урушнинг ҳаётга келтирган зарарини яна чуқурлаштириш, келажак авлоднинг нуфусига зарар етказиш эмасми?! Бошқача айтганда, узлатга чекиниб ҳаёт кечириб авлодлараро асрий алоқа – ворислик кўпригига раҳна солиш демакдир»⁵. Шўро танқидчилигида «ёзилмаган бир қонун», 20-30 йилларда ижод этган Иван Архипович Виноградов (1902-1936) таъкидлаганидай, «цитата тафаккури» деб номланган усул бор эди. Яъни, мунаққид ноҳўя бир гапни, даъвои шартга айтарди-да, дарҳол ўзини марксизм-ленинизм улуғларидан ёхуд амалдор шахс томонидан айтилган фикр – иқтибос панасига оларди. Очил Тоғаев «Аёл» шеърини ер билан яксон қилади-да, ўзини буюк Лев Толстой панасига олади. Эмишки, Лев Толстойдай буюк санъаткор ҳам «Ҳазрат Сергей» қиссасида умрининг асосий қисмини узлат-тоату ибодатда ўтказган улуғ зот ҳаёт шомидан нафси аммолага эрк берган, ёш киз билан маишат қилганмиш. «Ҳазрат Сергей» қиссаси мағзи чақилса, Л.Толстой нафси аммолага қаршисида таслим бўлган гуноҳкор бандарухидаги мураккаб ҳолатларни ишонарли таҳлил қилганини англаш мумкин. «Аёл» ҳам, «Ҳазрат Сергей» ҳам санъат асарлари. Лекин икки санъаткор масалани ёритишга, асар «жони»ни ҳаракатга келтиришга ўз гоёси нуқтаи назаридан ёндашган.

Бадий асар моҳиятини жўн – вулгар – утилитар тушуниш, талқин қилиш Н.Худойберганов асарларида учрайди. Бу танқидчи фактларни дастак қилиб олади-да, моддионий мантиқ асосида иш кўради. У ҳис қилиниши, англаниши мумкин бўлган нарсаларни, санъатдаги шартлилик, рамзийликни ҳаммиша ҳам тан олавермайди. Н.Худойберганов асарларидаги дадиллик, шиддат кишини ром этадию, улардаги талаб, даъволар ўқувчини бездиради: «хўш, ёзувчи(танқидчи) бу билан нима демоқчи?», «бу ерда қандай қашфиёт бор» - сингари саволлар билан рақибини шошириб қўяди. Фикри-мизни мунаққиднинг «Изланиш керак, аммо...» мақоласидан олинган парча воситасида исботлашга жазм қилдик: «...Рубобим тори иккидур» шеърини ўқий бошлаймиз:

*Рубобим тори иккидур,
Бири қувноқ, бири маҳзун.*

⁵ Тоғаев Очил. Севги ва садокат. //Ғулистон, -1983, № 8.

Тасаввур килингки, рубоб торларидан бири шодлик, бахт-саодат, иккинчиси гам-аламларни, қайғуни куйлаяпти! Ўқувчи шу куйлар билан қизикади, уларнинг моҳиятини англашга интилади. Ахир, бири-бирига мутлако қарама-қарши туйғулар турмуш мураккаблигини билдиради ва улар орқали инсонийлик, ҳаққонийлик, самимийлик моҳиятини очиб бериш қулай эмасми?! Бахтга қарши, шеърнинг кейинги сатрлари ниятимизга зид чика бошлайди.

*Ки байтим сатри иккидур:
Бири дилхуш, бири дилхун?*

Таажжуб, ҳали рубоб торлари ҳақида сўз очилганди, энди эса гап нима учундир шеърин сатрларга кўчди. Бунинг сири кейинги мисраларда очилиб қолар:

*Низорим чашми иккидур:
Бири яғмо, бир жоду,
Шу жодудан икки кўзум
Бири Сайхун, бири Жайхун.*

Қаранг-а, рубоб торлари, шеър байти бир ёқда қолиб кетиб мутлако бошқа фикр ифодаланаяпти: севикли ёр, унинг кўзлари, кўзларининг таърифлари бериляпти. Борингки, буни қонуний ҳол деб ҳисоблайлик, лекин гўзалнинг кўзлари нима учун жодуга, яғмога, ҳатто Сайхун ва Жайхунга қиёсланган?..

Шоир ғазал битаётганда рубоб торлари, шеър сатрлари, гўзал ёр, дилбарни эслабди, сўнгра сайрга чиқибди, қайтиб келса, икки дўсти ташриф буюрган экан, бироқ буларни айтиб бизга нимани ўргатмоқчи, қандай завқ-шавқ бермоқчи? Афсуски, саволга қаноатланарли жавоб топиш қийин. Ахир, шеърнинг бир бандида бир фикр, иккинчисида яна бошқа мулоҳаза, учинчисида тағин бир ҳукм-хулоса ифодалангандан кейин нима бўларди?! Пировардида, китобхон шоирдан: ҳар бир сўзингиз, ҳар бир калимангиз бизга ғоявий-бадий озуқа бериши керак, ҳар бир сўз маънавий сабоқ бериши зарур, деб талаб қилишга ҳақли»⁶.

Синчиклаб ўқиш маълум фурсат санъаткор руҳига кириш, унинг асл мақсадини англаб етишдир. Санъаткор боғдан келса-ю, танқидчи тоғдан келса, синчиклаб ўқиш-ҳақиқий таҳлил бўладими?

⁶ Худойберганов Н. Чўкқилар чорлайди. –Т.: Адабиёт ва санъат, -1975. –Б. 138-141.

Микроанализ – синчиклаб ўқиш, аслида бадий асарнинг таъсир қувватини ошириши, унинг янги-янги қатламларини кашф этиш. 20-30 йилларда бадий асарни восита қилиб олиб, ёзувчига сиёсий айб қўйиш илллати вужудга келди. Бора-бора шундай мантуксизликлар пайдо бўлдики, акли расо одам: «Наҳотки, наҳотки...» дея ёқа ушлади. Озод Шарафиддинов «Абдулла Қаҳҳор» асарида ноҳолис, илмга заррача даҳли йўқ «танқид» намунасини мисол қилиб келтиради. «Тажрибали адабиётшунос, профессор Абдурахмон Саъдий айрим ўзбек ёзувчиларини ғоясизликда айблаб шундай деган: «Энди Уйғуннинг «Раккоса» шеърини кўрайлик. Қандай рақкоса бу – совет рақкосасими ёки бошқами? Ахир, буржуа жамиятида ҳам рақкосалар кўп. Йўқ, бу ўринда совет рақкосаси кўринмайди...»

Менинг собиқ шогирдим Зулфиянинг «Халқ» шеъри ҳақида бир оғиз гапираман. Бу шеър, ўртоклар, юз фоиз индивидуалистик буржуа поэзиясининг намунаси...

Миртемирнинг «Амударё» шеърини олайлик. Шеърни ўқиб чиққач, ўзинга ва шоирга савол берасан – қайси Амударё бу? Феодал давридагими, буржуазия давридагими ёхуд совет давридагими?... Бундай асар ҳеч нарсага ярамайди. Бу Миртемирнинг жуда катта ғоявий камчилигидир». Кўриниб турибдики, адабиётга бундай ёндашишда илмийлик ўрнини, объективлик ўрнини сиёсатбозлик, демагогия, дўқ-пўписа эгаллаган?

XX асрнинг 70-йилларига келиб адабиётшуносликдаги иқлим ўзгарди. Матншунослик, манбашуносликка эътибор кучайди. Навоий, Ойбек, Гафур Ғулум, Ҳамид Олимжон сингари ижодкорларнинг кўп томли асарлари чоп этила бошланди. «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати» устида иш бошланиб кетди. Матн мағзини чақиш томон бурилиш бўлди. Афсуски, шу йилларда матнга беписандлик билан яратилган асарлар ҳамон сероб эди. 1987 йилда рус тилида чоп этилган «Ўзбек совет адабиёти тарихи» китобининг I жилди фикримиз исботи бўлади. А.Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романига бағишланган қисмда мана бундай «ихтиро»ларга дуч келамиз: «Анвар – кашшоқлашган бўёқчи (?!) Солиҳ Маҳмуднинг ўғли». Раъно хон ҳарамига олиб борилмаганлиги, канизлар қаторига қўшилмаганлиги барчага аён. Лекин «Ўзбек совет адабиёти тарихи»ни яратувчилар: «Хон ҳарамидан қочиш фикри Анвардан эмас, Раънодан чиқди» – деб ёзадилар. «Ўткан кунлар» яратилибдики, Абдулла Қодирий тарихга синфий нуктаи назардан боқмаганлиги боис ур

⁷ Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. –Т.: Ёш гвардия, -1988. –Б. 174-175.

калтак, сур калтак килинади. Ёзувчига хайрихоҳлик қилмоқчи бўлганлар эса «Меҳробдан чаён»нинг асосий қаҳрамони оддий халқ вакили эканлигини ҳамиша эслатадилар. «Ўзбек совет адабиёти тарихи»да мана бу «янгилик»ка дуч келаемиз: «Ҳар икки романда ёзувчи ижобий қаҳрамонларни халқ орасидан топади, унинг барча салбий персонажлари – ёзувчи синф намояндалари». Ҳозиргина ижобий қаҳрамонларни оддий халқ вакили деб турган муаллифлар Раъно, Султонанини шу каторга қўшиб қўядилар. «Ижобий қаҳрамонлар Анвар, Раъно, Султонани, Сафар бўзчи, Қобилбой, Шариф, Раҳим ва уларнинг дўстлари индивидуаллаштирилган. Абдулла Қодирий уларни инсонпарвар, ҳақиқатгўй, дилдан сева оладиган вафодор қилиб тасвирлайди». Ижобий қаҳрамон, персонажлар ҳозиргача кўкларга кўтарилган эди. Энди бўлса; «Худоёрхон ва унинг яқинларини ҳаққоний ва ишонарли тасвирлай олган ёзувчи Анвар, Раъно, Султонани, Сафар бўзчи халқ вакиллари намояндалари тақдири ва характерини чуқур ёрита олмаган»⁸, – деган томдан тараशा тушгандай хулосани ўқиймиз. Кўринадики, «Ўзбек совет адабиёти тарихи»ни яратганлар бадий матн масаласига деярли эътибор бермаганлар. Ваҳоланки, дарслик, «тарих»ларда матнни ўқиш масаласида ниҳоятда синчков, зийрак бўлмоқ жоиз.

Матннинг мағзини чақишни, сатрлар сийрагига синчиклаб қарашни машҳур асарлар талқинлари орқали кўрсатилса, микроанализ моҳияти аниқ кўринади. XX аср ўзбек адабиётида «Бой ила хизматчи» ярим асрдан мўлроқ вақт давомида асосий, таянч асар бўлиб келди. Бу асар мактаб ўқувчилари онгига чуқур сингдирилди, аксарият ўзбек театрлари ҳар йилги мавсумларини шу асар билан бошладилар. «Бой ила хизматчи» соцреализмнинг етук асари сифатида хорижий мамлакатларда ҳам ўрганилди. Ғоявий – мафкуравий жиҳатдан юксак бу асарнинг поэтикаси, структураси (таркиби) қандай эди? Ҳамза қаламига мансуб бу асар 1918 йилда ёзилган, бир қанча вақт саҳнада кўрсатилган эди. Лекин асар матни сақланмаган. Ҳамзанинг 5 жилдли мукамал асарларининг 3-жилдида (Тошкент, «Фан» – 1988) уч саҳифада берилган. Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» асари 1939 йилда Комил Яшин томонидан қайта ёзилган. Наим Каримов фикрича, «Бой ила хизматчи» 1939 йилда Комил Яшин «томонидан тикланган» деб эмас, балки қайта ишланган ва таҳрир этилган нусха деб аташ тўғрироқ бўлади»⁹. Комил Яшиннинг эътирофича, у «Бой ила хизмат-

⁸ История узбекской советской литературы. В 5 томах. I том. –Т.: Фан, -1987. –С. 154, 157.

⁹ Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. –Т.: Фан, -1988. –Б. 62.

чи»нинг сахнабоп вариантыни яратган¹⁰. Шоир Миразиз Аъзамга кол-
са К.Яшин Ҳамза асарини бузиб кўрсатган¹¹. Адабиётшунос Сувон
Мели «Бой ила хизматчи» Комил Яшин томонидан тикланганлигини
айтади.¹²

«Бой ила хизматчи»нинг тикланган нусхаси ҳақида ўзбек
адабиётшунослигида ўндан ортиқ мақола ёзилди. Лекин деярли ҳеч
ким мазкур асардаги услубий қуроқ (баланд-паст)лик ҳақида ёзмади.
К. Яшин нусхасида Ҳамзанинг бошқа асарлари (масалан, «Бурунги
сайловлар»)дан кўчган услуб, Комил Яшиннинг ўз услуби, кайсидир
даражада «Кеча ва кундуз» романи услуби сингарилар сезилади.
Мана, сўз санъаткори, характер нутқини яшнатиб юборадиган Ҳамза
услуби: «Мана энди шухратингдан ўргилай, мўъжазгина, у тиззадан
бу тиззага учиб кўнадиган Жамилахоннинг дарагини эшитиб
колгандан буён, бой поччадан ҳам илгари, бизнинг юрагимиз диринг
– диринг ўйнайди. Билмайманким, у жонимни олгур, бойга тегиб
олиб, бизнинг бу кир чопон билан, ёғлик дўппини назарларига илар-
микан? Мана бизда бу янги ишқ мижозининг ғами...» Холматнинг
мазкур сўзлари Мулладўст сўзларини эслатади.

Холмат бирдан камбағал Ғофирнинг дўсти эканлигини эслаб
колади-да, Комил Яшин услуби билан гап бошлайди: «Шошманг,
Холматжон Тўра, ўзингча нима деб вайсаяпсан? Ҳадеб бойга пашанг
берасан! Бой кимни олмоқчи! Жамилани–ку!.. Ўз Ғофиримизнинг
хотини...!» Тикланган нусханинг учинчи пардасида Солиҳбойнинг
маҳрами, хонаки масҳарабози Холмат ҳоким ҳузурида: «Ҳой, ҳақиқат
борми, ҳақиқат?» дея исён кўтарадик, бу ҳам тамоман ёт услуб.

Тикланган нусхада мантикка зинҳор мос тушмайдиган ҳолат
бор. Солиҳбойнинг яккаю ягона меросхўри, Гулбаҳордан туғилган
чакалоқ ўғилчаси ҳозиргина қайноқ сувда куйиб ўлган. Ушбу дақи-
қалардаги Солиҳбойнинг ҳолати: «Бой (кўзини Жамиладан узмай).
Қандай офати жон? Қандай малак бу? (Хотинларга) Йўқолинг!... Бу
нима гап? Яна шуни кўрдим-у, ўтдай ёниб турган одам мулойим
бўлдим-колдим. Қара, қандай соз, қандай тиниқ нарса бу? Ҳе, бу дунё
беш кун... Бешови ҳам қора кун. Ўйнаш керак, қулиш керак. Қандай
келишган нозанин бу?». Биринчидан, Ҳамза бундай ёзмайди. Иккин-
чидан, ёши бир жойга бориб қолган бойнинг ёш болаларча ошиқ
бўлиши нотабиий.

¹⁰ Яшин. Давр овози. //Совет Ўзбекистони, -1989, -5 март.

¹¹ «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. -1989, -№ 1. –Б. 18.

¹² Сувон Мели. «Бой ила хизматчи» ёки тикланган нусха муаммоси. //Ёшлик, -1989, -№ 11. –Б. 68-72.

Тикланган нусхадаги Ҳожи она на суврати, на сийрати билан ўзбек онасига, устига устак, ҳаж маросимини ўтаган сиймога зинҳор ўхшамайди: Ҳожи она: Менинг уйимда текин овқат йўқ. Ғофирга айтинглар, хотини чиксин, ишласин! Қаллиқбозлик ҳам икки-уч кун бўлади-да, худо урди кетди! Бўлмаса куч-кўронини онасининг уйига жўнатсин... Оллоху Карим, мўминларга тавфик бер. Кўпнинг каторида имонимни басаломат сакла!»^{1,2}. Бундай услуб Ҳамзага тамоман бегона.

Сувон Мели «Бой ила хизматчи»нинг тикланган нусхаси ҳақида ўта калтис бир масалани кўтаради:

«Қисқа вақт ичида Пошшоойим, Хонзода, Гулбаҳор каби ҳар бири индивидуал киёфага эга бўлган образларни йўқ жойдан бор қилиш осон эмасди.

Менингча, воқеалар тахминан шундай кечган. Етим Бобоҷоновнинг Солиҳбой хонадонининг ички ҳаётини кўрсатиш кераклиги ҳақидаги жўяли мулоҳазаси шундай фикр туғдирган: Тўхта, ... Чўлпоннинг босилиб чиққан романида режиссёр айтганга ўхшаш эпизодлар бор-ку, улардан нега ижодий фойдаланиш мумкин эмас. Ким билиб ўтирибди, Чўлпон номини тилга олиш ўлим билан тенг пайтда, Чўлпондан ўзлаштирибсан дейишга кимнинг юраги бетларди»³. «Кеча ва кундуз» романида Акбарали мингбошининг Хадичахон, Пошшоҳон, Султонхон, Зебихон исмли хотинлари бор эди. Энди «Бой ила хизматчи» тикланган асардаги Солиҳбойнинг хотинлари Пошшо ойм, Хонзода, Гулбаҳор. Маълумки, кейинчалик зўрлик билан Жамилага ҳам уйланади. «Бой ила хизматчи» номли тикланган нусхадаги бой хотинлари руҳияти, ҳатти-ҳаракатлари, макрлари Акбарали мингбоши хотинлари руҳиятига жуда яқин. Ўйлаб кўрилса, мазкур ўхшашликда, тикланган нусха муаллифини ҳар қанча ҳимоя қилмайлик, плагиат (кўчирмачилик) ҳиди анқияпти. Комил Яшин талангли, давр руҳини назик ҳис этадиган ижодкор сифатида 30-йиллар охиридаги шўро адабиёти хусусиятларини, айниқса, социалистик реализм методи талабларини ўрнига қўйган.

Адабиётшунос Аҳмад Алиев «Фитрат ва унинг «Арслон» драмаси»⁴ мақоласида, афсуски, яна фикримизни «Бой ила хизматчи»нинг нусхасига тортади. «Арслон»да Мансурбий деган бой тимсоли бор: у

¹ Ҳамза. Асарлар. 5 т. Т. 3. –Т.: Фан, 1988. –Б. 224.

² Шу асар. –Б. 217.

³ Юқорида келтирганимиз Сувон Мели мақоласи //Ёшлик, -1989, -№ 11. –Б. 71.

⁴ «Гулистон» журнали. -1989, -№ 12.

Солихбойга ўхшайди. Бойнинг Тўлиной исмли чўри-хизматкори бор. Тўлиной Арслонни севади. Мансурбий Тўлинни қўлга киритиш учун шундай хатти-харакатлар қилиб, йўл тутадик, у Солихбойнинг қилмишларини ёдга солади. Аҳмад Алиев К.Яшин Солихбой ва Жамила муносабатларини тасвирлашда Фитратнинг «Арслон» драмасидан унумли фойдаланганлигини ёзади.

Адабиётшунос Наим Қаримов «Бой ила хизматчи» драмасининг тикланган нусхаси хусусида билдирилган фикр-мулоҳазаларни қуйидагича хулосалагандай бўлади: «Адолат юзасидан айтганда, пьесанинг 1939 йил вариантини Яшин томонидан «тикланган» деб эмас, балки қайта ишланган ва таҳрир этилган нусха деб аташ тўғрироқ бўлади.

Хўш, Яшиннинг бунга ҳақи бормиди? Ҳамза асарининг ғоявий-бадиий қувватини ошириш унинг вазифасига кирармиди? Кирарди, албатта. Зеро, у Ҳамзанинг машҳур асари бундан кейин ҳам адабиётимизнинг гултожи бўлиб қолиши керак, деган эътиқоддан келиб чиққан ҳолда пьесани қайта ишлашга киришди»¹⁵.

Машҳур асарларнинг унутилиб кетишига зинҳор йўл қўйиш керак эмас. Лекин шуниси ҳам борки, ҳақиқий асар-мукамал таркиб (структура): ундаги ҳар сўз, белги, ибора, картина яхлитликни, бир бутунликни тасдиқлайди. Адабий матн нуқтаи назаридан караганда, К.Яшин томонидан қайта тикланган «Бой ила хизматчи» конгломерат, ямоқ-яскоқ асар. Унда Ҳамза, Яшин, Чўлпон, Фитратларнинг услуби қоришиғи бор. Иккинчидан, Ҳамза яратган драмадаги Солихбой, Жамила, Ғофирлар қаторига бир қанча образлар қўшилганки, улар матн бирлиги, уйғунлиги нуқтаи назаридан асарга сингишиб кетмаган. «Бой ва хизматчи»нинг тикланган нусхаси ғоявий – мафкуравий асар сифатида шўро тузумига хизмат қилди. Лекин маънавий эстетик бир бутунлик, яхлитлик сифатида машҳур бўлиши мумкин эмас эди. Шўро ҳукумати тугатилгач, унинг ғоявий – мафкуравий тиргақларига ҳам зарурат қолмади. Бу гап «Бой ила хизматчи»нинг тикланган нусхасига ҳам беvosита тааллуқлидир.

Санъат асари замон, макон (демакки, ҳар хил ижтимоий-сиёсий тузумлар) қаршилигини енгиб ўта олади. Тўғри, мангу асарлар айрим шахсларга (масалан, Л.Толстой Шекспир асарларини ёқтирмаган), қайсидир ижтимоий-сиёсий тузумга (Аҳмад Яссавий асарлари шўро ҳукуматига) маъқул бўлмаслиги мумкин. Ҳақиқий асар доим, ҳар

¹⁵ Қаримов Н. «Бой ила хизматчи» драмасининг ижодий тақдири. Юқорида тилга олганимиз «Ҳамза Ҳакимзода ижодий проблемалари». –Т.: Фан, 1988. –Б. 62.

кандай вазиятда турли талкинларга тоб бера олади. Талкинчиликда «моно фикрли асар» деган ибора бор. Бошқача айтганда, талкинларга тоб бермаган, битта талкиндаёқ имконияти тугаган, шеър, ҳикоя, драма бўлши мумкин. Масалан, Иброҳим Ғафуров Шукур Холмирзаевнинг «Кимсасиз ҳовли» ҳикоясини таҳлил қилиб, уни «ҳаромга, маънавий разолатга қарши даҳшатли айбнома» сифатида талқин қилади. «Шахсан мен ҳикояни икки-уч қайта ўқидим, — деб ёзади Олим Отахонов. — Аммо мен бошқачарок, мана бундай — бундай тушундим, дейиш учун бир эътироз тополмадим. Сабабми? Сабаби ҳикоянинг ўзи бундай қарама-қарши мунозарали талкинларга изн бермайди»¹⁶.

Олим Отахонов «Кимсасиз ҳовли» ҳикоясининг ўзга талқинини тополмайди-ю, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри», Хулио Кортасарнинг «Ишғол қилинган уй», Ясунари Кавабатанинг «Бамбук садоси, шафтоли гули» ҳикояларини талқин қилади.

Олим Отахонов аргентинали Кортасар, япониялик Кавабата ҳикояларининг яна бир қанча талқинларини бемалол келтириши мумкин бўлгани ҳолда, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясининг битта, энг муҳим талқинини топади. Қобил бобо-чиндан ҳам қобил, мўмин, кўй оғзидан чўп олмаган банда. Унинг ўта ношудлиги, ўта итоаткорлиги кишининг ғазабини кўзғайди. Одам дегани ўтли-шудли, лаб-даханли, ҳеч бўлмаганда, ўз кадрини биладиган бўлиши керакмасми? Ўзини билган одам борки, «қорнимга эмас, кадримга йнглайман», — деган қоидага риоя қилади. Қобил бобо доим титраб, яшаётганидан уялиб кетаётгандай туюлади. Олим Отахонов ҳикоядаги «асосий ўғри... Қобилбобо» — деган ҳулосага келади. — «У ўз юрагидаги шижоатни, кураш туйғусини, зулмга исён аҳдини ўғирлаган шахс. У узоқ йиллар давомида муттасил шу иш билан шуғулланиб келган. Шунга кўниккан ва шундан бошқача яшашга ожиз. Нега бўлмасам, ҳикоянинг бирон ерида у норозилик билдирмайди... Буюк Гойя ўзининг машҳур бир суратини бекорга «Тафаккурнинг уйқуси шайтанатни яратади» деб атамаган. Қобилбобо образи инсонлик шаъни, номуси ва одамлигини билмаган, худди бунга ҳуқуқи йўқдек гаранг, афтодаҳол мусичадай беозорлиги билан аввал ўзи-ю қолаверса, атрофдагиларга мутелик, куллик психологиясини — вирусларини беихтиёр тарқатувчи — юктирувчи қобилбоболар

¹⁶ Отахонов Олим. «Борса келмас» даги хазина. Китоб: Адабиёт ва санъат. —Т.: Адабиёт ва санъат. —1987. —Б. 309.



тимсолидир»¹⁷. Олим Отахоновнинг куллик психологияси ҳақидаги фикри жўяли, муҳими замонавий. 80-йилларнинг охирларида одамлардаги шижоат, ўзликни англаш туйғуси ниҳоятда ривожланди. Талқинчи «Ўғри»ни замон руҳида талқин қилди. 1995 йил 23 июнда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Сувон Мелининг «Меҳр сеҳри» мақоласи босилди. Мақола асосан «Ўғри» ҳикояси талқинига бағишланган. Муаллиф «Ўғри» ҳикоясида ўтмиш кораланганлигини, ижтимоий гоё етакчилик қилганини таъкидлайди. Мақола авторини ҳайрон қолдирган нарса шуки, унда на қаҳрамонга, на идеалга меҳр сезилмайди. «Ўғри» – тоталитар даврнинг бадийи ҳужжати» деган хулоса чиқарилади. Ажаб, на О.Отаҳон, на Сувон Мели Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий методи – изчил, шафқатсиз реализм ҳақида тўхталмайдилар. Бадийи адабиёт қайси методга тааллуқлилиги билан эмас, одамни қандай тасвирлаганлиги билан муҳимдир деган қоида уларни бошқаради. Абдулла Қаҳҳор асарлари ҳақида А.Жабборов, М.Олимов, Ҳ.Каримов сингари мунаққидлар ҳам мақолалар ёздилар. Филология фанлари доктори Ҳакимжон Каримов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1998 йил 26 июн сонида «Гоё ҳақиқатга мосми?» мақоласини чоп эттирди. Мунаққид Абдулла Қаҳҳорнинг «Даҳшат» ҳикоясини талқин қилар экан, ундаги ҳаётий ноаникликлар, деталлардаги номутаносибликлар ҳақида ёзади. Филология фанлари доктори Санжар Содиков «Улкан маҳорат сари» мақоласида Ҳ.Каримов билан баҳсга киришади: оппонентининг фикр-даъволарини инкор этади. Абдулла Қаҳҳор детал устаси, ҳаётий тафсилотлар билағони, ниҳоят, фикрини бир сўз, ишора орқали ифодалашга моҳир санъаткор. Санжар Содиков Абдулла Қаҳҳор қуроли билан ўз қарашларини тасдиқлайди. Мақола сўнгида С.Содиков «Даҳшат»нинг ўзича талқинини беради: «Додҳо уйида саккизта хотини даҳшатда яшаши тафсилоти зиммасига юкланган иккинчи, яъни консператив маъно шунда бўлса керакки, Абдулла Қаҳҳор мазкур ракам орқали Сталин зиндонхонасига мустамлака сифатида камалган республикалар кўплигига сезилар-сезилмас тарзда рамзий ишора қилишни мўлжаллаган бўлса ажаб эмас. Ҳикоядаги Унсиннинг ўлими ва Нодирамоҳбегимнинг додҳо хонадонини тарк этиши... орқали ёзувчи фақат Олим додҳо хонадонининг ёки чор империясининг емирилишигагина эмас, балки Сталин салтанати ҳам бир кунмас бир кун парчаланиб, ундаги халқлар Мустақиллик йўлига чиқишига билинар-

¹⁷ Отахонов Олимнинг юқорида эслатилган мақоласи. –Б. 316, 317.

билинмас ишора қилган бўлса ажаб эмас»¹⁸. Тўғри, бадий асарни ҳар ким ҳар хил талқин қилиши мумкин. Лекин Абдулла Қаҳҳордай ёзувчининг СССРнинг парчаланиб кетишини ишора қилиши мантиска тўғри келмайди. Абдулла Қаҳҳор характерининг туб-тубида тузумга ишонч, ғояга содиклик бор эди. Бошқача айтганда, 80-йилларнинг охиридан то ҳозирги кунларгача Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», «Кўшчинор чироклари» романлари, «Синчалак», «Ўтмишдан эртақлар» қиссалари бўйича давом этаётган баҳслар, талқинлар шундай хулоса чиқаришимизга имкон беради.

Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Раҳмон Қўчқоров сингари пешқадам мунаққидлар китоблари, тадқиқотларида Абдулла Қаҳҳорнинг асосий асарларини талқин, таҳлил қилмоқдалар. Мазкур адабиётшунослар ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг қарийб 60 йиллик тарихини ёритдилар, архив материалларини кунт билан ўргандилар. Айниқса, Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», «Кўшчинор», «Кўшчинор чироклари» романларига бағишланган баҳс – мунозараларни архив материалларидан кўтарди. Адабиётшунос Раҳмон Қўчқоров Абдулла Қаҳҳор романлари ижодий тарихини кунт билан ўрганди. Унинг «Истеъдод қадри», «Мен билан мунозара қилсангиз...» асарлари А.Қаҳҳорнинг икки романи: уларнинг ижодий тарихи, талқинлари, сиёсий-ғоявий-мафкуравий-бадий хусусиятлари, характерларнинг муқамал тарихи ҳақида. Ниҳоят, филология фанлари доктори Умарали Норматовнинг «Қаҳҳорни англаш машаққати» асари ўзига хос талқинистондир. Абдулла Қаҳҳор асарларининг янги шароитда, Мустанкил Ўзбекистон адабий танқидчилигида ўрганилиши муҳим воқеадир. Мазкур масалани ёритмасдан 80-90-йиллар ўзбек танқидчилиги ҳақида фикр, хулоса айтиш мушкул. Бир қанча услубдаги нозик талқинларни ёнма-ён келтириш, бадий асарнинг турли манбаларини муқояса қилиш, адабий матн таркибини ўзга соҳага оид адабиётлардан олинган фикрлар билан тўлдирилганлигига эътибор бериш – кўптармоқли ўрганиш – таҳлил йўсини. Бунда биографик, ижодий-генетик, онтологик ёндашувлар, таҳлилнинг структурал (таркибига кўра), семиотик (белги-рамзий сермаъноликка кўра), услубий ва оҳангга кўра кўринишлари ўзаро бирлашиб кетади. Абдулла Қаҳҳор асарлари 80-90-йилларда жиддий талқин ва таҳлил қилиндики, у мана шу давр танқидчилигининг асосий воқеасига айланди. Мазкур талқин ва таҳлиллар XX аср пировардидаги ўзбек адабиётшунослиги ва

¹⁸ Содиков С. Улкан маҳорат самараси. // Ёшлик. – 1999.



адабиётшунослиги ва танкидчилигининг даражасини, имкониятларини, чекланган томонларини намоён этди. Иккинчидан, санъат асарлари «имтиҳони» зинҳор осон, текис кечмаслигини кўрсатди. Учинчидан, Абдулла Қаҳҳор асарлари талкин ва таҳлили Ойбек, Фафур Фулом, Миртемир, Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Уйғун сингари ижодкорлар асарларини ҳам шундай ўрганиш лозимлигини кўрсатди. XXI аср ўзбек адабиётшунослиги ва танкидчилигида Абдулла Қаҳҳор асарлари яна жиддий талқин ва таҳлил қилинишига шубҳа йўқ.

Эътибор берилса, янги ўзбек адабиётининг жонли, умрбоқий асарлари «туғилишиданок» адабий жанг-жадалларга сабаб бўлган экан. «Ўткан кунлар», «Навоий», «Сароб», «Улуғбек хазинаси», «Ўзбегим», «Биринчи муҳаббатим», «Юлдузли тунлар», «Қора камар», «Отамдан қолган далалар» сингари асарларнинг адабий ҳаётда пайдо бўлишининг ўзи алоҳида бир тарих. «Сароб»нинг тарихи илк бор академик Бахтиёр Назаровнинг «Ўзбек адабий танкидчилиги» китобида кўтарилди: «1939 йил 14 июнда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Фанлар Комитетининг ёзги мажлислар боғида ўтказилган «Сароб» ҳақидаги диспут қарийб бир ҳафта (3 мажлисда) давом этди.

Ўзбекистон Компартиясининг масъул ходимлари раҳбарлигида бўлиб ўтган диспутда ёзувчи ва танкидчилардан Шокир Сулаймон, Уйғун, Ю.Султонов, Ҳ.Ёқубов, Р.Мажидий, Ҳ.Расул, Н.Охундий, Ҳ.Мусаев ва бошқалар фаол иштирок этдилар. Роман юзасидан асосий докладни Ю.Султонов қилди»¹⁹.

Озод Шарафиддинов «Абдулла Қаҳҳор» китобида «Сароб»га бағишланган диспут-баҳс тарихини кенгроқ ёритди. Яъни, шу баҳсда иштирок этган Саид Аҳмаднинг эсдалигини киритади, мажлисни Сулаймон Азимов бошқарганини, Юсуф Султонов нималар ҳақида гапирганини, роман ҳақида илк тақриз ёзган Ҳ.Мусаевнинг куйиб-пишишларини тасвирлайди. О.Шарафиддинов мунозара хулосасини баён этади: 1) «Ёш ленинчи»да босилган Мусаев мақоласи ва умуман, «баъзи бир ўртокларнинг чиқиши большевик танкидига ҳеч қандай алоқаси йўқ», 2) «Сароб»да айрим камчиликлар бор, лекин у сиёсий зарарли асар эмас, уни тубдан қайта ишлашга ҳожат йўқ. У ҳозирги ҳолида ҳам фойда келтираверади. Унга сиёсий айб қўйиш «Сароб»га берилган асосий партиявий баҳо эмас». Бу хулосалар ғоят муҳим, принципиал аҳамиятга эга – улар кўпгина ўзбек зиёлиларининг граж-

¹⁹ Назаров Б. Ўзбек адабий танкидчилиги. –Т.: Фан. 1979. –Б. 225.

данлик туйғуси балоғатга етганидан далолат беради. Ўша пайтларда – сиёсий айб қўйилган одамни ҳимоя қилиш билан ўзи ҳам унга шерик бўлиб қолиши мумкин бўлган бир вазиятда уч кунлик мунозарادا «Сароб»ни тухматлардан оқлаб олиш – қатга жасорат эди»²⁰. Бахтиёр Назаров ҳам, Озод Шарафиддинов ҳам баҳс моҳиятини тўлиқ англаб етган бўлсалар-да, уни мукаммал ёзиш имконига эга бўлмаганлар. Биринчидан, уларнинг тадқиқотлари шўро даврида яратилган, иккинчидан, асар жанри қандай ёзишни «тақозо» этарди. Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг ёзувчилар тақдири, машҳур асарлар тарихи ҳақида «Қатағон қурбонлари» (Н.Усмонов), «Қатлнома» (Н.Боқий), «Қодирийнинг сўнгги кунлари» (Х.Қодирий), «Отамнинг тергов иши» (К.Икромов) сингари асарлар яратилди. Жуда кўп адабиётшунослар ХХ асрда яшаган, Сталин, Қизил империя қатли оми қурбони бўлган ёзувчилар, уларнинг асарлари ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратдилар. Истеъдодли адабиётшунос Раҳмон Қўчқор Абдулла Қаҳҳор романлари тарихи тадрижини ўрганди. «Истеъдод кадри» (Тошкент–1989) китобида «Сароб»нинг уч нашрини, «Кўшчинор» ва «Кўшчинор чироклари» тарихини кенг ёритди. 1998 йилда Р.Қўчқорнинг «Мен билан мунозара қилсангиз...» рисоласи «Маънавият» нашриётида чоп этилди. Тадқиқотчи «Сароб» тарихини, тузилишини, образларнинг прототиби ва бадиийлигини чуқур ўрганди. У «Сароб»нинг II ва III нашрларида тушириб қолдирилган картина, эпизод, бўблар тарихига назар ташлайди. Раҳмон Қўчқор «Сароб» романининг яратилишида қўшимча манба вазифасини ўтаган уч асар – П.Алексеевнинг «Кокандская автономия», «Удар по националистической контрреволюции (Приговор над Касымовым и К)», Р.П. Катаяннинг Қосимовчилар устидан ўқиган айблов нутқи жамланган китобни атрофлича ўрганади: мазкур китоблар руҳининг «Сароб»га сингиганини кўрсатади. Бошқача айтганда, Р.Қўчқор матни, манбаларни синчиклаб ўрганади. «Мен билан мунозара қилсангиз...» китобида муаллифнинг қалб тугғени, қуйиб-ёниб фикрини исботлашга интилиши аниқ сезилади. У, таъбир жоиз бўлса, икки ўт, икки оқим орасида турганини ҳис қилади. Биринчидан, Абдулла Қаҳҳор – ХХ аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаси. Унинг асарлари ҳақида танкидий (фақат танкидийгинамас) фикрларни рўй-рост айтиш осон эмас. А.Қаҳҳор ҳақида ХХ аср ўзбек адабиётшунослигининг М.Кўшхонов, О.Шарафиддинов, П.Қодиров, У.Норматов сингари номдор намояндалари китоблар, тадқиқотлар яратганлар. Муҳими, ҳеч бир мутахассис

²⁰ Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. –Т.: Ёш гвардия, -1988, -Б. 56.

А.Қаҳҳор романининг авра-астарини ағдариб текширмаган, у ҳақда ўта мураккаб, илдизли мулоҳазалар билдирмаган: «Хўш, нима бўлибди? Ахир роман ўз номи билан роман-ку, унда воқеалар ҳаётда қандай кечган бўлса, айти шундай тасвир этилиши шартми? Бу сатрлар муаллифи ёзувчидан шуни талаб қиляптими? Ёзувчининг ижодий ҳуқуқларини инкор қилмоқчимиз? Ва ҳоказо... тадқиқотимиз мақсади у ёхуд бу адабий ҳодисанинг айбдорини кидириш ва уни орадан неча ўн йилликлар ўтиб улгургач, ошқоралик баҳона қоралаш эмас... Биз фақат тушунмоқчимиз. Истеъдодли ёзувчи ва унинг оталаримиз ўтмиши ва тақдири ҳақида талантли ёзган асаринигина эмас, балки бу муаллифга таъсир этган, унинг сиғинган ҳақиқатларини шакллантирган турли ҳаётий ва сиёсий омилларни, асарнинг ёзилишига сабаб ва материал бўлган манбаларни ва уларнинг талқинидаги мантиқни англамоқчимиз»²¹.

Мазкур асар муаллифини тўлқинлантирган, калбида олов бўлиб яллиғланаётган туйғу шундаки, «Сароб»га материал (аниқроғи, қўшимча материал – И.Р.) бўлган воқеалар ва уларнинг талқинидаги мантики масаласидир. Раҳмон Кўчкор учта манба устида тўхталинар экан, улар аслида маърифатпарварларимиз, Чўлпон, Мунавварқори, Абдулла Қодирӣ, Алавий сингари ёзувчиларимизга бориб ула-нишини англайди. Қизил империя сиёсатидаги найранг, устомонлик шунда эдики, у зинҳор оловни ўз кўли билан тутмас, сопини ҳамиша ўзидан чиқарар эди. Абдулла Қаҳҳор – истеъдодли ёш ёзувчи англаб-англамай сиёсий найранглар тўрига илинаёзди. Китобда Абдулла Қаҳҳор руҳиятидаги мураккабликларга имо-ишоралар бор. Абдулла Қаҳҳор Шўро сиёсати, партия мафқурасига ишонган, лекин у зинҳор ўз халқи, унинг вакилларига душманлик билан қараган эмас. Истеъдоднинг асосий белгиси инсонпарварликдир, юртга, халққа садоқатдир. Абдулла Қаҳҳор асарлари ҳамиша мана шу илдишлардан келиб чиқилган ҳолда талқин, таҳлил қилинган. «Сароб» ҳақида ёзилган барча тадқиқот, мақолаларда янги-янги талқинларга интилиш сезилади. Профессор Озод Шарафиддинов «Абдулла Қаҳҳор» асарида «Сароб»ни, бош қаҳрамонни янги йўналишда талқин қилади: «Сароб» романининг асосини ташкил қилувчи ғоявий ният худбинликни ёхуд индивидуализм иллатини бадий тадқиқ қилишдир. Маълумки, худбинлик инсоният тарихидаги энг қадимий ва энг хавфли иллат-

²¹ Кўчкор Р. Мен билан мунозара қилсангиз... –Т.: Маънавият, 1998. –Б. 33-34.

дир...²² Муаллиф Саидийдаги одамовилик, шухратпарастлик, акли косидлик сингари белгиларни ёритиб беради.

Профессор Умарали Норматов «Қаҳҳорни англаш машаққати» китобида «Сароб» романи ҳақида билдирилаётган фикрларга муносабат билдиради. Муаллиф «Сароб» ҳақида 30-йиллардан бошлаб билдирилаётган танқидий фикрга – бош қаҳрамон ўтли – шудли замон кишиси эмаслигига ўз карашини ифодалайди: «Жангари қаҳрамонларни асарга олиб кирмаслик фақат роман поэтикасининг ўзига хослиги билангина изоҳланмаса керак. Ҳар ҳолда Қаҳҳордек реалист санъаткор бу хил расмий мафкура билан қуролланган, синфий рақибларни асло аямайдиган жангари курашчиларнинг ҳақиқий башарасини билган, лоақал ҳолис реалист савки табиий сажия орқали беихтиёр англаган. Эҳтимол бундай шахсларни асло ижобий қаҳрамон қилиб бериш мумкин эмаслигини, айтиш, айни ўша кезларда бор ҳақиқатни айтиш, ифодалаш мушкул эканлигини тушунган, ҳис этган ҳолда, яхшиси бундай шахсларни асарга киритишдан ўзини тийган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас»²³. Умарали Норматов Саидийни Сотиболди, Туробжон, Қобилбобо сингари лапашанг, иродасиз, бўш-баёв сифатида талқин қилади: «Жамиятнинг маърифатли, онгли аъзоси бўла туриб ҳам Саидий каби катъиятсизлик туфайли жаҳолат ботқоғига ботиб кетиш, инсон – ихтиёрини ўзгалар изнига топшириб оддий малайга, қулга айланиб қолиш мумкинлигини, ўша кезларда биров сезди, биров сезмади... Бу нарса миллат, жамият учун қанчалар қимматга тушгани маълум»². Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироклари», «Синчалак», «Ўтмишдан эртақлар» асарлари У. Норматов асарида янги талқин қилинади. «Синчалак» ҳақида тўхталинад экан, муаллиф ёзади: «Аёллар эрки, ҳимояси бобида олиб борилган бир ёклама сиёсатнинг туб моҳиятини очиб берувчи, фош этувчи ажиб, образли бир гап айтади: «Бу замонда хотин киши одам ўлдириб қўйса... одам ўлдирган хотин эмас ўлик жавобгар бўлади». Бу ҳусусда бундан ошириб гап айтиш мумкин эмас»³.

«Қаҳҳорни англаш машаққати» китобида А.Қаҳҳорнинг қатор асарлари, хусусан, «Ўтмишдан эртақлар» кассаси абсурд адабиёт доирасига киритилиб таҳлил қилинади. У.Норматов «Ўтмишдан эртақлар» ва абсурд» мақоласида Абдулла Қаҳҳор руҳиятида рўй берган ўзгаришлар жараёнини кузатади. Мақолада ёзилишича,

²² Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. –Т.: Ёш гвардия, 1988. –№ 61.

^{23,2} Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати. –Т.: Университет, -2000. –Б. 24, 27.

³ Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати. –Т.: Университет, -2000. –Б. 35.

«Сароб» романидаёқ А. Қаҳҳор ҳаётни қандай бўлса шундай – абсурд ҳолда акс эттириш тамойили бошланганлигини кўрсатади. У.Норматов талқинига кўра, «Ўтмишдан эртақлар» киссасининг аксарият қаҳрамонларида индивидуал хусусиятлар бўртиб кўринади. Улар жамиятдаги диний-сиёсий-ижтимоий тартиботларга қарши ўзларича исён кўтардилар: «Темирчи Абдуқаҳҳорнинг жоҳиллар жабрига қарши чиқиши – аёлларга азайимхонлик қилиб дам солиши, уларга тегиши, ракиби Валихон сўфига эшак миясини едириб жиннига айланишини кутиши, ниҳоят, шогирди билан уни «чирок-поя» қилиши; ўғли огриганида Оллоҳга, азиз-авлиёларга қилган илти-жолари ижобат бўлмай, гўдак жони узилганида алам, жаҳл устида азиз авлиёларни чангитиб сўқиши, телба аҳволда тоқчада турган Қуръонни олиб қулочкашлаб ерга уриши, бу ҳам етмагандек, ерда ётган Қуръонни тепиб юбориши, бегуноҳ бузукни чавақлаб ташлаши – ўша жоҳил, абсурд муҳитга муносиб исён, беҳуда, маънисиз хатти-ҳаракатлардир»²⁵.

У.Норматовнинг янгича талқини ўқувчида катта қизиқиш уйғотди. Лекин мана шундай талқинда хавфли бир ҳолат сезиляпти: биз ўз адабиётимиз намуналарини осонгинина Ғарб абсурд адабиёти хирмонига қўшиб қўймайпмизми? Иккинчидан, соцреализм методиди ҳам гоёга иллюстрация деган гап бор эди. Абсурд адабиёти назарияси ўзбек асарлари асосида иллюстрация қилинса, қандай бўларкин? Шарқ, хусусан, ўзбек адабиёти ўзига хос муҳитда шаклланди, ривожланди. Уни на соцреализм, на Ғарб абсурд адабиёти бирикмасига атрофлича ўйлаб кўрмасдан киритиш мумкин эмас. Бизда худога ишониш, худодан мадад кутиб яшаш – пассив хатти-ҳаракат кучли бўлган. «Ўтмишдан эртақлар» киссасидаги уста Абдурахмон, унинг хотини, кизи, ўғли, онаси муҳитнинг ёрқин – пассив, сал ўжар намояндalари. Уста Абдуқаҳҳор ўз муҳитига қарши исён кўтаради. Лекин унинг бу исёни Олим новвойни ҳам, Тўракул вофурушни ҳам, хатто «чирокпоя бўлган», «эшакмия» еган Вали сўфини ҳам ғафлат уйқусидан уйғотмайди. У.Норматов талқинига қўшилмаслик мумкин, ammo унинг янги йўналишдаги талқини ҳеч қимни бефарқ қолдирмайди, адабиётшуносларни ўйлашга, фикрлашга ундайди.

Мисралар мағзини чақиш, сатрлар сийратидаги маъно, рамз, тимсолларни ёритиш шеърят таҳлилида кўзга аниқ ташланади. Хуршид Даврон шеърларини таҳлил қилган Муртазо Қаршибоев яхшигина сўзшунос эканлигини исботлайди. Жонли, рангин сўзлардан яра-

²⁵ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, -2000, -14 июл.

тилган шеърларни ич-ичидан англаши кишини қувонтиради: «Хуршид Даврон сўзларни сайратиб ёзадиган шоир эмас. У сўзларни ўйла-тиб ёзади, – дейди М.Қаршибоев. – Шоир шеърларидан ташки фикр излаш унинг шеърларига жуда жўн муносабатдан бошка нарса эмас. Аввало шеърдаги ички ҳаяжонни англаш керак, ундаги лирик кай-фиятни юракка кўчириш керак²⁶. 80-йиллар пировардида танқидчилик фаолиятларини бошлаган М.Қаршибоев, М.Номозов, З.Эшонова, М.Маматвалиев сингарилардаги фазилат шундаки, улар қайси шоир, ёзувчи асарини таҳлил қилишга киришмасинлар, аввало, ўша ижод-кор рухига чуқур сингишга, маълум фурсат унинг таъсирида бўлишга интиладилар. Санъаткор шоир, ёзувчи, драматург таъсирига ихтиёрий берилиш ҳали уни асосли, чин тушунишмас, жўшқин, хароратли қизиқиш, холос. Туйғулар тўлқинининг ақл-идрок синовидан ўтган тушунчага айланиши ижодкор асарини чин ўрганиш томон ташланган собит қадамдир.

Ёзувчи асарини чуқур ўрганишда етти ўлчаб бир кесининг ахлоқий-тарбиявий, илмий аҳамияти кучли. О.Шарафиддинов Сафо Очиловнинг «Шеър маълумоти ва фикр равонлиги» мақоласига жавобан ёзилган «Бир тилда гаплашайлик» баҳс-мақоласида (ҳар иккала мақола «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1987 йил, 9 январь сонидида босилган – А.Р.)... танқидчи асар ҳақида фикр юрита бошлашдан аввал шу асарнинг муаллифи даражасига кўта-рилиши, ҳаётга унинг кўзи билан назар солиб, унинг қалби билан асарни ҳис этиб кўрмоғи лозим»лигини таъкидлайди. Мазкур фикр ижоднинг барча турларидаги асарлар талқинига тааллуқли. Хусусан, халқ оғзаки ижодини тушунишда асар рухига сингиш ниҳоятда муҳим ва зарурдир. Фольклор илмининг билагонлари Тўра Мирзаев, Баҳодир Саримсоқовлар халқ оғзаки ижодига тааллуқли асарлар генезиси, образлари, имо-ишораларини теран англайдилар. Фольклоршунос Шомирза Турдимов «Бирнинг минг жилваси», «Ранго-ранг дунё» («Ёшлик» журнали, 1987, 8-сон) сингари мақолаларида халқ қўшиқла-ридаги ҳар бир ишора, ҳодиса, ранг рамз сифатида қўлланилиб, ўз маъно-мазмунига эғалигини ишонарли кўрсатади. Мана, битта тўртлик ва унинг талқини:

*Бозорга борсангиз йўлингиз бўлгай,
Бир тўққиз олмага қўйнингиз тўлгай.
Аввал савдонгиз қўлрўмол бўлгай
Қўлрўмол бўлмаса савдонгиз қургай.*

²⁶ Қаршибоев М. Поэтик фикр мезони. //Ёшлик, -1987, -№ 7. –Б. 76.

Кўшиқларда «бозор» – севги муносабатларини реаллаштирувчи рамз. «Рўмол» (қўл-рўмол) – оила рамзи.

Кўшиқ талқини: «Лирик қахрамон (маъшука) ошикка, мабодо севгингиз чин, ниятингиз холис бўлса, бекорчи гап-сўз қилмай совчиларни жўнатаверинг («Бозорга борсангиз йўлингиз бўлгай, аввал савдонгиз қўлрўмол бўлгай»). Умидим умидингиз. Фарзандларингиз кўп бўлсин («Бир тўккиз олмага қўйнингиз тўлгай»). Шунчаки кўнгил хуши деб келаётган бўлсангиз, ниятингизга етолмайсиз. (Кўлрўмол бўлмаса савдонгиз кургай»). Келтирилган тўртликда олма илкин (рудымент) маънога – фарзанд маъносига эга²⁷.

Адабий матн қалб кўзи билан ўкилиб, ақл-хуш тарозусида обдан ўлчангач, талкин маромига етади. Бундай талқинда матннинг гўзалликлари ҳам, етишмовчиликлари ҳам, бегона қўлнинг аралашувидан топилган шикастлар ҳам аниқ кўринади. Микроанализ – адабий матнни теран ўрганувчи, унинг ботинидаги ҳолатлардан хабар берувчи таҳлил йўсини.

ТАҲЛИЛ УСЛУБИ

Услуб – ижодкор сийратининг аке этиши. Сийрат – ўзлик, индивидуаллик, ҳеч кимникига ўхшамайдиган асос. Истеъдод-индивидуалликнинг тиник кўриниши, шахс бетакрорлигининг ёрқин ифодаси. Истеъдодли шахс бошқалар орасида ажралиб туради, асрлар бўйи шаклланган тартиб, қонун – қоидаларга бўйсунавермайди. Фожиа шундаки, баъзан тузум, ижтимоий мафкура истеъдодга қарши чиқади.

Маълумки, адабий танқид ҳам фан, ҳам санъат. Танқидчилик тарихида ўз услубига эга, ёрқин истеъдодли мунаққидлар кўп бўлган. Биз XX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек танқидчилигида из қолдирган, бетакрор услубга эга бўлган икки мунаққид – Матёкуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддинов услуби ҳақида фикр юритишни лозим деб билдик. Улар ижодида аксарият танқидчиларимизга хос хусусиятлар аке этган.

Истеъдодли ижодкор фаолиятида дадиллик диққатни дарҳол жалб қилади. «Ойбек 1936 йилда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий асарини ёзиб тугатди, – деб ёзади Озод Шарафиддинов. – Айтиш керакки, у вақтларда Навоий ҳақидаги тасаввурларимиз ҳали жуда камбағал эди. Унинг ҳақидаги

²⁷ Турдиев Ш. Бирнинг минг жилваси. //Ёшлик, -1987, -№ 5, -Б. 70.

маълумотлар ҳар хил манбаларда тарқоқ ҳолда ётар, қатъий бир системага солинмаган эди... Ойбек биринчи марта Навоийнинг ҳаёти ва ижодига доир материалларни қатъий системага солиди, уларга синфий позициядан ёндашиб, Алишер Навоийнинг қиёфасини муқаммал очади. Бу тадқиқотда Ойбекнинг билими ғоят чуқур экани, фикрлаш доираси бениҳоя кенглиги, мураккаб ва чигал масалаларни дадил қўя олиши аниқ кўринади»²⁸. Дадиллик – масъулиятни ҳис қилиш. Масъулият ҳис қилинмас экан, танқидчилик ҳам, шоирлик ҳам эрмак, шунчаки қойинмай, юракни ёндирмай юраверишдир. «Мени энг кўп ранжитадиган нарса шуки, баъзан ёш танқидчи зиммасидаги улкан масъулиятни мутлақо ҳис қилмаган ҳолда қўлига қалам олади. – деб ёзади Озод Шарафиддинов. – Мақоласида эса асар ҳақида ҳам, ёзувчи ҳақида ҳам дабдурустдан эсига келиб қолган гапларни мулоҳаза қилиб ўтирмай, ёзиб ташлайверади. Ҳолбуки, энг кичкина тақриз ҳам босилиб чиққанидан кейин минглаб, баъзан юз минглаб нусхада тарқайди. Демак, сиз минглаб одамга гап айтасиз, уларни бошқа ишлардан ажратиб олиб, оғзингизга қаратасиз»²⁹.

Дадиллик нафақат танқидчиликка, балки бадиий адабиётнинг, умуман, санъатнинг барча турлари учун зарурдир. Озод Шарафиддинов «Шеър кўп, аммо шоир-чи?» мақоласида ёзади:

«Хўш, нега энди бугунги шеърятимизда ўртамиёначилик кучайиб кетяпти? ... Нега шеърларда олам тор, ҳаёт нафаси заиф, китобийлик кучли?»

Менимча, бу ҳодисанинг бош сабаби «шоир» деган тушунчани тўла англаб етмасликда. Назаримда, кўпгина ёшларимиз шоирликдан осон касб йўқ деб ўйлайди, шекилли; вази нималигини, туюқ қандай бўлишини, қофиялаш ҳунарини ўрганиб олсанг, ўхшатиш ва мажозлардан хабаринг бўлса бас, шеър ёзавериш мумкин»³⁰.

О. Шарафиддинов ижодкор учун истеъдоднинг сув билан ҳаводай зарурлигини таъкидлайди, истеъдод «ички нигоҳ» эканлигини сўқир Гомер, қар Бетховен асарлари мисолида исботлайди. Ниҳоят, мунаққид истеъдоднинг зарурлигини қайта-қайта таъкидлагач, «Шоирлик – ҳамиша эътиқоддликдир. Шоирлик – ҳамиша виждоннинг уйғоқлигидир. Шоирлик – ҳамиша безовталиқдир. Шоирлик – ҳамиша улуғ масъулиятдир»³¹, – деган хулосага

²⁸ Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. –Т.: Ёш гвардия, –1983. –Б. 19.

²⁹ Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. Т.: Фан, –1979. –Б. 173.

³⁰ Шарафиддинов О. Ғўзаллик излаб. –Т.: Адабиёт ва санъат, –1985. –Б. 35.

³¹ Ўша китоб. –Б. 38.

келади. Бошқача айтганда, дадиллик – улуғ масъулият, доимий безовталиқ, юксак эътиқод.

XX аср ўзбек танқидчилигида дадиллик намунасини кўрсатган мунаққидлар кўп. Лекин улар орасида Иззат Султон, Хомил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжоновлар алоҳида ажралиб турадилар.

Озод Шарафиддинов «Характер – бадийлик мезони» мақоласида: «... характер яратиш масаласи бадий адабиётнинг энг мураккаб ва энг жумбоқли вазифасидир. Жаҳон адабиёти бири-бирига ўхшамаган, бири-бирдан мукамал ранго-ранг характерларга ниҳоятда бой... Турли туман асарларни таҳлил қилиб, уларда характер қандай яратилганини аниқлаш мумкин, лекин уни қандай яратиш кераклиги ҳақида рецепт бериб бўлмайди»³², – деб ёзади. Ўтган асрнинг 50-йиллари охирида ўзбек адабиётидаги бадийлик мезони – характер муаммосини теран тадқиқ этиш масъулиятини дадиллик билан ўз зиммасига олган мунаққид пайдо бўлди. У Матёқуб Қўшжонов эди. Ўзбек адабиётида ҳаминша бадий характерлар бўлган: асарни мукамал характерларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Матёқуб Қўшжонов фаолияти характер масаласини бадийликнинг юксак кўриниши сифатида намоён этди. Адабий танқидчилик, адабиётшуносликнинг диққати характер муаммосига жалб этилди.

Жаҳон халқлари адабиётшунослигида «характер» (каракте) атамаси кенг қўлланилади. Инглиз, немис, япон, турк адабиётшунослигида характер масаласига бағишланган тадқиқотлар ниҳоятда мўл. Қолаверса, адабиётшунослик илмининг бошланишидаёқ Аристотел «Поэтика» ва бошқа асарларида инсон табиати, унинг бадий ижодда ақс этиши – характер ҳақида тўхталинган эди.

Бадий адабиёт қаҳраонини символ (юнонча «символон») дан деб аташ ҳам удумлашган. Ўзбек адабиётшунослигида «символ», «рамз» сўзлари теппа-тенг қўлланилаверади. Турк адабиётшунослигида адабий қаҳраонни «симге» (символ) деб аташ одат тусига кирган.

XX аср ўзбек адабиётшунослигида адабий қаҳраон не-не номлар билан аталмади, дейсиз?! Сотти Хусайн «Ўткан кунлар» ва ўтган кунлар» тақриз – рисоласида Абдулла Кодирий қаҳрамонларини «сурат» (образ) деб атайди.

Воҳид Зоҳидовнинг баъзи асарларида «сажия» атамаси характер маъносида қўлланилади.

³² Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб. –Т.: Адабиёт ва санъат, –1985. –Б. 82.

Ҳозирги адабиётшуносликда, хусусан, мактаб дарсликлари, мажмуаларида «тимсол» атамаси кенг қўлланилмоқда. «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»да (Тошкент – 1984, II жилд, 231 – бет), «Фарҳанги забони тоҷики» (Москва, «Советская энциклопедия – 1969, II жилд, 363-бет) да тимсол сурат, нақш, расм маъносини англатиши айtilган. Навоий асарлари тили луғатини тузганлар тимсолнинг яна бир қанча маъноларини келтирадилар.

Ўзбек мумтоз адабиётида қўлланилган тийнат (тинат) атамаси ҳозирги адабиётшуносликка ҳам кириб келмоқда.

Характернинг асоси – ўзлик, тийнат, афъол, фитрат, «ватан ичра ватан»ни мукаддас худбинлик, руҳий-маънавий ташналик нуқтаси, инсон ва инсонийлик асрори, безовта руҳ маскани, тиниб-тинчимаган хушёкар оғрик макони дейиш жоиз. Бошқача айтганда, барча ижтимоий муносабатлар жамулжами ҳисобланган характернинг асосини руҳий-маънавий кадрият, илоҳий неъмат белгилайдики, бу ҳақда Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Иммануэл Кант, Георг Ҳегел асарларида ёзилган. Экзистенциализм таълимоти намояндалари, хусусан, Жан Поль Сартр ҳам инсонни, унинг характерини англашда анъанавий қарашларга суянади. Фарқ шундаки, экзистенциализм таълимоти намояндалари инсонни англашда илоҳий қарашни эмас, илмий қарашни асос деб биладилар. «Инсон қандайдир инсоний табиат эгаси, – деб ёзади Жан Поль Сартр. – Ана шу «инсоний» тушунча ҳисобланган инсоний табиат ҳамма одамларда бор. Бу эса ҳар бир алоҳида инсон фақат «инсон» деган умумий тушунчанинг хусусий ҳодисаси эканлигини билдиради. Кантдаги мана шу умумийликка кўра, ёввойи одам – табиий инсон ҳам, буржуа ҳам бир хил таъриф билан изоҳланади, бир хилдаги асосий сифатларга эгадир. Бинобарин, бу ерда ҳам инсон моҳияти биз табиатда учратадиган унинг тарихий мавжудлигидан олдинроқ содир бўлган экан»³³.

Шўро адабиётшунослигида, хусусан, ўзбек адабиётшунослигида характер муаммоси бир ёқлама – ижтимоий муносабатлар мажмуи сифатида ўрганилди. Матёқуб Қўшжонов тадқиқотлари яратила бошлаганидан кейин ҳам характер ҳақидаги бир ёқлама фикрларни айтиш давом этди. Бора-бора олимнинг мақолалари тилга тушди, илмий – адабий жамоатчилик диққатини жалб этди. Танқидчи тилини узун қилган, жамоатчилик олдида обрўсини оширган асосий омил

³³ Сартр Ж.П. Экзистенциализм тўғрисида. //Жаҳон адабиёти, -1997, -№ 5. –Б. 182-183.

унинг илми, мушоҳадасининг кенглигидир. «Яхши асарнинг хислатларини кўрсатиш учун кай даражада дид ва мушоҳада керак бўлса, заиф асарнинг нуқсонларини кўрсатиш учун ҳам шу даражада, балким ундан ҳам ўткирроқ дид ва мушоҳада керак бўлади... Танқидчи инкор қилиб бўлмайдиган далилларга суяниши керак бўлади, токи унинг фикрларини ёзувчи тан олсин, китобхон ишонсин. Далилсиз танқид курук сафсатадан бошқа ҳеч нарса эмас»³⁴, – деб ёзади М.Қўшжонов. Олимнинг илк китоби «Мастерство изображения характеров в романах Айбека» (1959) деб аталади. Кейинчалик у «Ҳаёт ва маҳорат» (1962), «Жизнь. Характеры. Мастерство» (1963), «Ойбек маҳорати» (1965) китобларини яратди. Бу асарлар руҳи, уларда кўтарилган муаммолар, хусусан, характер яратиш масаласи ўзбек адабиётшунослигига чуқур сингиб борди. Ёш ёзувчилар, адабиётшунос-у танқидчилар М.Қўшжонов қарашлари асосида характер яратиш муаммосига жиддий эътибор бериб шакллана бошладилар.

Матёқуб Қўшжоновнинг ўзбек танқидчилигидаги катта хизмати шундаки, у социалистик реализм методи, коммунистик мафкура адабиёт ва адабиётшуносликда ҳукмрон бўлиб турган бир пайтда адабий жамоатчилик ва ёшлар диққатини илм ўзанига йўналтирди. Бошқача айтганда, илмий қараш, фанний тафаккур мафкуравий, сиёсий қарашлардан устун кела бошлади. Матёқуб Қўшжонов мафкура майдонининг етакчилари билан илмий қарашлари соҳасида зиддият, курашга киришмади. Аксинча, олим Ойбек романларини, хусусан, «Қутлуг кон»ни таҳлил қилар экан, йўлчининг инкилобчи бўлиб етишиши жараёнини кузатади. Олим таҳлиллари, кузатишлари китобхонни бефарқ қолдирмайди. М.Қўшжонов «Навоий» романини талқин қилар экан, илмий мантикка, характер иродаси йўналишига эътибор қаратди. Унинг илмий услуги соцреализм методидаги адабиётшунослик – танқидчиликка, сирдан қараганда, зид келмас эди. Лекин адабиёт соҳасидаги мафкурачилар М.Қўшжонов қарашларини қабул қилмас, улардаги аллақандай руҳ, асосга ғашлик қилардилар. Жиддий ўйлаб кўрилса, М.Қўшжонов на соцреализмга, на партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсатига кўр-кўрона қарши чиқмаса-да, илмий мантиқ, олимона ирода йўналиши билан соцреализм, мафкура пойини қиркиб борар эди. Қизиғи шундаки, М.Қўшжонов коммунистик партия аъзоси сифатида шўро давридаги бош йўлдан четга чиқмади. Аксинча, унинг мақола, китобларида партия съезди қарорлари, мафкуравий даъватларга хайрихоҳлик билдирилар, расмий хужжат-

³⁴ Қўшжонов М. Ижод сабоқлари. –Т.: Ёш гвардия, –1973; –Б. 24.

мақолалардан иқтибослар келтириларди. Шубҳасиз, М.Қўшжонов бу ишларни атайин, юқоридагиларга ёкиш учун қилмаган. М.Қўшжоновда икки қараш ўзаро қурашар, бири-бирини енгилга интилар эди. Улардан бири коммунист М.Қўшжонов қарашлари, босиб ўтган ҳаёт йўли. М.Қўшжонов ёшлигиданок янги тузум руҳида тарбияланади, совет мактабида ўқиди. Харақтери жангчи шинелида товланди.

Матёқуб Қўшжонов моҳияти унинг илмий қарашлари, олимпик оламида кўзга ташланади. Илмий ҳақиқатни очишга интилар экан, М.Қўшжонов фан мантикига, далиллар таҳлилига берилади. Илмий изчиллик, танқидчиликка садоқат М.Қўшжоновнинг мафқуравий-партиявий қарашларидан устун келади. Олимпнинг илмий фаолиятининг асоси – харақтер яратиш муаммоси унинг ўз табиатига ҳам сингиб кетган. М.Қўшжонов ярим аср давомида юзлаб мақолалар ёзди, маърузалар ўқиди, элликка яқин китоб ёзди. Тўғри, ҳозир олим яратган китоблардаги ҳамма фикрлар, қарашлар беистисно замонага мос келади дея олмаймиз. Лекин олимпнинг харақтер ҳақидаги қарашлари, назарий тадқиқотлари, бўш асарларни қош этиб ёзган ўтли мақолалари ҳамон кизиқиш билан ўқилади.

Олим ижодини синчиқлаб кузатсангиз, қизиқ ҳолатларга дуч келасиз. 50-60-йилларда М.Қўшжонов Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий роман, қиссаларидаги асосий харақтерларни таҳлил қилган бўлса, кейинчалик етуқ ўзбек роман, қиссалари поэтикасини кенг қўламда талқин қиладиган бўлди. Мазкур ишлар асосида ҳамиша харақтерлар талқини масаласи турар эди. Олим харақтер муаммосини турли рақурслардан ёритишга интилди: харақтернинг барча томонлари, масалаларини очди. Назаримизда, М.Қўшжоновнинг харақтерни англашдаги тушунчаси қуйидаги таърифда ўз ифодасини топгандай: «Марксизм-ленинизм таълимоти шуни таъкидлайдики, ҳар бир шахс ижтимоий ҳаёт маҳсулидир. Бу шак-шубҳасиз, аксиома. Аммо ҳар қандай жамият ҳам ҳар бир шахс тақдирини олдиндан белгилаб қўймайди. Ҳар бир кишининг ижтимоий ҳаёт негизидан, шунингдек, ўзининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқадиған, бошқаларникини такрор қилмайдиган, яхшими, ёмонми, ўзининг тақдири, ҳаёт йўли бор. Лекин ижтимоий тузум кишилар тақдирининг мазмунини ўзгартириб, маълум бир йўналишга солиб туради»³⁵. Мазкур таъриф харақтер асоси-индивидуал бетакрорлик, тийнат, фитратни ҳам; харақтерда акс этадиган ижтимоий муносабатларни ҳам камраб олади, муҳими, социалистик реализм методи адабиётда ҳукмрон бўлган

³⁵ Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. –Т.: Ўздавнашр, –1962. –Б. 28.

давр руҳига ҳам зид келмайди. М.Кўшжонов ишларида соцреализм методи ижодкор эркини чеклашдан зорланиш йўк. Аини вақтда, олим зинҳор соцреализм методию мафкуравий чекланиш доирасида қолиб кетмайди: илмий изчиллик, масала моҳиятига кириш М.Кўшжонов тадқиқотларининг асосини белгилайди. Олим Бўтабой («Хукм» Саид Аҳмад), Йўлчи («Қутлуғ қон» Ойбек), Навоий («Навоий» Ойбек), Саида («Синчалак» А.Қаҳҳор), Отабек ва Кумуш («Ўткан кунлар» А.Қодирий) характери ни таҳлил қиладими, масала илдизига кирази-қаҳрамон калбининг қаъридаги асл хусусиятларни юзага олиб чиқади. Лекин олим мазкур қаҳрамонлар характерининг асосидаги иймон, инсоф, ҳалоллик, ўзганинг ҳақиқага хиёнат қилмаслик сингари фазилатлар асрлар давомида шаклланиб борганлигини рўй-рост айтмайди. Китобхонда шундай фикр пайдо бўладики, ижобий қаҳрамонлар аслида яхши эдилар, улар зинҳор ўзгармайдилар. Йўлчини Тангибойвачча бебилиска топилган пулга ўргатмоқчи бўлади, Нури норгул йигит Йўлчини бузуклик йўлига тортади, лекин табиати тоза, иймони бутун Йўлчи кинғир йўлларга зинҳор бурилмайди. Муҳими, Йўлчи Гулнорни Қора Аҳмад панжасидан қутқариб олгач, қиз билан якка-ёлғиз қолади. Шу пайтда ҳам Йўлчини шайтон йўлдан урмайди, у нафс райига эрк бермайди.

Социалистик реализм методининг моҳияти шундай эдики, у ижобий фазилатлар ёмонликларга қарши курашда намоён бўлишини такозо этарди. Йўлчи, Навоий, Саида сингарилар моҳияти салбий кучларга қарши курашда очилмоғи жоиз эди. Мирзақаримбой, Хусайн Бойқаро, Қаландаров сингарилар ижобий қаҳрамонларга нисбатан «чарх» вазифасини ўташлари ёхуд салбий томонлари билан кўринишлари керак эди. М.Кўшжонов талқинни шундай олиб борадики, китобхон салбий қаҳрамонлар табиатида инсоний фазилатлар, ўрناق бўладиган томонлар борлигини ҳис қила боради.

М.Кўшжоновнинг характерни ёритишдаги ўзига хослиги учта масалада аниқ кўзга ташланади. Олим ҳар бир асарида аниқ, изчил вазифани белгилаб олади. Бошқача айтганда, характерни талқин қилишда изчил «йўлакча»дан боради. «Синчалак» қиссасини талқин қилишга киришар экан, мунаққид-олим изчил максadini белгилаб олади: «Киши психологизмини яратишда А.Қаҳҳор ижодида яна бир муҳим хусусият бор. Бу киши ички дунёсининг диалектикасини чизишдан иборатдир. Бу ижодий услуб ёзувчининг баъзи бир ҳикояларида кўзга ташланади. Унинг «Сароб» романида эса, бу услуб тенденцияси кучлироқ сезилади. «Синчалак» повестида бу ҳолат ўз

камолотига эришди».³⁶ М.Қўшжонов «Сароб»ни ҳам, «Синчалак»ни ҳам, ўзи таъкидлаганидай, ички дунё диалектикаси нуқтан назаридан талкин қилади. Лекин «Синчалак» талкинидаги руҳий дунё диалектикасини очиш ўзига хос қўринишда намоён бўлади. Тадқиқотчи мазкур тадқиқотида ёзувчи кечинмаларини қайта жонлантиради ёхуд кечинмадошлик йўлидан боради.

Бадий асарни ўқиш, аслида, уни ўзи учун қайтадан ижро этишдир. Китобхон асардаги воқеа, ҳолатлар иштирокчисига айланади; қаҳрамонларни жонлантиради, ҳаракатга келтиради, уларнинг гап-сўзларини эшитади, руҳий ҳолатларини ўзида ҳис этади. Б.Томашевский айтишича, «китобни ўқиб» биз уни «ички нутқ» шаклига келтирамиз ёхуд уни гапиртирамиз, овоз ҳолига келтирамиз.

Китобхон қалби асар ижро этила бошлаган саҳнага айландими, билинги, қаҳрамонлар ҳам китобхон инон-ихтиёрига ўтган ҳисобланади.

Бадий асарни ўқиш, ҳис қилиш китобхон-талкинчининг ёзувчи оламига кириб бориши жараёнидир. Ўқиш, ҳис этиш – олам ҳақида эмас, оламнинг ичида туриб фикрлашдир. Ўқиш-талкинчининг кечинмадошлик ҳолатидир. Бошқача айтганда, бадий асарни яратишда ёзувчи руҳидан кечган ҳолатлар қайта жонлантирилади. М.Қўшжоновнинг «Синчалак» номли тадқиқоти бадий кечинмадошликнинг аниқ қўринишидир. «Синчалак» асарини яратган А.Қаҳҳорни қуёш десак, «Синчалак» тадқиқоти муаллифини ойга тенглаштириш жоиз: қуёш нури ойга ўтяди. Ойнинг ўзига хос нуридан баҳра оладиганлар қанчадан-қанча?!

Кечинмадошлик – бадий асар руҳини ҳис этишдир. Бадий асардаги воқеа, ҳодиса, қаҳрамонлар ёдда сақланади, лекин асар руҳи узок сақланмайди. Кечинмадошлик руҳини берувчи талкинчи ҳамиша ўзини матнга яқин тутиши керак бўлади. М.Қўшжонов «Синчалак» тадқиқотида қиссадан қўлаб иқтибослар келтиради. Талкинчининг «Синчалак» матнига бот-бот мурожаат қилиши китобхонга малол келмайди. Аксинча, талкинчи қарашлари асар матни билан қўшилиб, бирлашиб ўзига хос маънавий-руҳий озуқа тайёрлайди.

Матёқуб Қўшжонов ижодининг бетакрор томонидан яна бири шундаки, у ҳамиша бадий матнни зарурий ашё деб билади. «Қутлуғ қон», «Навоий», «Сароб», «Ўткан кунлар», «Дунёнинг ишлари», ҳатто «Одам қандай тоблани» асарлари ҳақидаги тақриз-тадқиқотларда матн таҳлили етакчилик қилади. Матнга яқин бўлиш – М.Қўшжонов

³⁶ Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. –Т.: Ўздавнашр, –1962. –Б. 46.

асарларининг ҳаётийлигини, жозибасини белгилайди. М.Қўшжонов нега соцреализм конун-қоидалари доирасида қолиб кетмади, нега мафқуравий даъватларга берилмади? Олим ҳамиша жонли ҳолат – бадий матнга суяниб иш олиб борди. М.Қўшжонов ёзишга эмас, ёзишдан олдинги ҳолат – уқиш, англашга жиддий эътибор беради. Назаримда, М.Қўшжонов талкин қиладиган асарлари матнини ёдлаш даражасида ўзлаштиради.

«Мунаққидлик ва адабиётшуносликка киришимда ўзимга йўл танладим деб ўйлайман. Москвада ўқиган пайтларимда матн устида ишлашни ўзимга шарт қилиб қўйдим. Шу мақсадда асарни ўқиб, «асар» яратишга уриндим. Аксарият ҳолларда бирор ҳикояни 1-2 марта ўқийман-да, китобни ёпиб ўша асарни қайта ёзаман. Кейин асл матн билан солиштираман ва йўл қўйган камчиликларимни англаб оламан. Камчиликларимни ҳисобга олиб иккинчи марта ёзишга ўтираман ва яна матнга солиштираман. Кўнглим тўлгунча бу жараён давом қилади. Шу йўсинда матнга нисбатан муҳаббат туйғуси шаклланди менда. Асарни таҳлил қилганда асл маънога нисбатан ҳар бир сўз, ҳар жумла, ҳар бир тиниш белгисининг ўрни қай даражада эканини англайдиган бўлдим. Менинг илк бора «Звезда Востока» журналида эълон қилинган «Формирование характера» номли мақолам шу услубда яратилган. Ҳанузгача мен шу услубга содиқман...

Мен 50 йил давомида 40 га яқин китоб ва рисолалар, 500 га яқин мақолалар эълон қилдим. Умуман олганда, мен ижодимдан қаноатланаман... Менда қаноат ҳосил қилган асарларим, асосан, матн таҳлиliga бағишланган»³⁷.

Шўро даври ўзбек тадқиқчилигида матнга бепарво муносабатда бўлиш авж олди. М.Қўшжоновга ўхшаш бир неча танқидчилар матнни уқиш, таҳлил қилишни муқаддас билдилар. Олим бадийлик даражасига етмаган матнларни таҳлил қилишда ҳам шижоат кўрсатди. Матннинг бадий эмаслигини айтиш учун билим, укув, маҳоратдан ташқари жасорат, фидоийлик бўлиши керак. М.Қўшжонов ўз ижоди давомида қанчадан қанча матнларнинг бадий эмаслигини, эмоционал таъсирдан йироқ эканлигини рўй-рост айтди. Мана шундай вазиятда танқидчи услубининг асосий хусусиятлари кўзга яққол ташланади. Хўш улар нималардан иборат? Биринчидан, танқидчининг дадиллиги, масъулият бурчини теран ҳис қилиши. Заиф асарни ҳамма жумладан, танқидчилар ҳам ўқийди. Лекин баъзи танқидчиларгина заиф асарнинг ожизлигини очик-ойдин айтади.

³⁷ Қўшжонов М. XX аср менинг тақдиримда. //Жаҳон адабиёти, -2001, -№ 1. -Б. 13-14.

Бошқача айтганда, танкидчи била-кўра туриб ўзини ўтга уради, жангга кирази. Ёзувчи ҳам одам, ўз шаъни учун курашади. Қолаверса, яхшими – ёмонми асар-ёзувчи фарзанди. Ҳатто кўнғиз боласини оппоғим, типратикон юмшоғим, деган экан. Танкид қилинган асар муаллифи танкидчини ўз душмани деб билади. Шундай экан, жанг майдонига кириш, худбинона ўйлаганда, ўзига душман орттириш кимга зарур? Танкидчининг асли ҳақиқатни айтиш, жанговарлиги билан танилади. Жанговарлик танкидчининг бош белгиси эмас. Шундай танкидчилар бўлганки, жанговарлиги билан танилган бўлса-да, танкид қилинаётган асар ҳақида асосли фикр-мулоҳаза айтолмай мулзам бўлган. Матёқуб Қўшжонов нафакат жангга дадил кирази, у рақиби курагини ерга текказди: шундай далил, исботлар келтирадиди, китобхон асарнинг заиф эканлигига ишонади. Танкид қилинаётган асар муаллифи, тилида бўлмаса-да, дилида танкидчига тан беради. Танкидчини ғалабага олиб келган асосий омил унинг билими, мушоҳадасининг кенглигидир. М.Қўшжонов Ю.Шомансурнинг «Қора марварид», Сайёرنинг «Хулкар» кинжалар тўпламини, Мирмуҳсиннинг бир қанча асарларини, Иброҳим Раҳимнинг «Одам қандай товланди» романини асосли танкид қилган. И.Раҳим романининг танкиди учун мунаққид ғаройиб усул танлаган. У ёзувчини майдонга таклиф қилган, фикрларини очик хат шаклида, бетга айтганнинг захри йўқ кабилида ифода этган. Далил сифатида М.Қўшжоновнинг «Давр талаби ва ижод масъулияти» (Иброҳим Раҳимга очик хат) мақоласидан кўчирма келтирамиз:

«Сиз суддан кейин уни («Одам қандай товланди» романининг қаҳрамони Эркин ҳақида гап борапти – А.Р.) катта қурилишга кетаётган йўловчиларга қўшиб кўясиз. Мана ўша сатрлар. «Орқамдан грузовик келди. Кузовда беш-олти одам. Мени ўз ёнларига таклиф қилишди. Қаёққа боришларини ҳам сўрамай уларга қўшилиб олдим».

Нега йўловчилар уни таклиф қилишди? Йўлда бошқалар ҳам бор эди-ку! Нега у суриштирмасдан машинага чиқади? Наҳотки унинг учун қаёққа кетишнинг фарқи бўлмаса? Телба одамларгина шундай қилиши мумкин. Сиз «қаҳрамоннинг ҳолати шундай эди» дерсиз. Ундай бўлса, қани ўша ҳолат тасвири? Кўрамизки, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати унинг ички руҳиясидан узоқда. Сиз уни ГРЭС қурилишига жўнатмоқчисиз, уни йўлга чиқардингиз, юк машинасини тўхтадингиз, ичидаги одамларга таклиф қилдингиз, уни машинага чиқариб қўйдингиз... Манзилга етиб боргач ҳам таклиф қилганлар

«биз билан ишлайверасан...» дейишди. У «енг шимариб ишга» тушадди. Қахрамонингиз бунча осон кўнувчан бўлмаса?!...»³⁸.

Мунаққид назарий лавҳалар яратадими, адабий шарҳлар битадими, такриз ёзадими, ҳамиша характер муаммосини диққат марказида тутадди. М. Кўшжоновда зийрак одамларга хос ҳис этиш (интуиция) туйғуси кучли. 70-йилларда у интерпретация таълимоти кучаяётганини ҳис қилди, маъно бадий асардаги асосий моҳият эканлигини англади. 1974 йилда яратган асарини «Маъно ва мезон», 1977 йилда чоп эттирган тўпламини «Моҳият ва бадийят» деб атади. «Маъно ва мезон» китобида энг кўп қўлланган сўз «маъно»; «умуман маъно излаб топиш»; «катта маъно бахш этмасдан»; «киссаларда маъно бордек сезилса»; «Маънонинг шу хилда тарқок бўлиши ҳам маъносизликнинг бир кўринишидир»; «Тарихдан ҳам маъно излаш зарур»; «деган маъно чикараётгандек бўлади»; «шу маънода асар яхши ният билан ёзилган»³⁹.

М.Кўшжонов маъно ҳақида кўп гапирди-ю, фикрни талкин-у баҳолашга эмас, асар ғоясига келтириб боғлайди. Лекин баъзан олимдаги ички сезги талкиннинг муҳим ўзагини англайди:

«Демак, ҳар бир асарга ва ҳар бир образнинг талкинига конкрет шу образ маъноси, умуман асар маъноси, унда тасвирланаётган гўзаллик талаби нуктаи назаридан ёндашилсагина тўғри хулоса чиқариш мумкин»⁴⁰.

М.Кўшжонов – характершунос олим. Лекин унинг асарларида ғоя масаласига алоҳида аҳамият берилади. Ғоя ҳақида гапириш, табиийки, соцреализм ҳақида мулоҳаза юритиш, коммунистик мафкурага эътибор бериш деган маънони англа тарди. Олим композиция ҳақида кўп тўхталинган, назарий лавҳа ёзган. «Ҳақиқатан ҳам бадий асарларда кўпинча композицион марказ унинг ғоявий асоси билан мос келади. Ҳатто А.Толстой ёзувчининг «диққат маркази» терминининг моҳиятини очиб бериш учун уни бошқа сўзлар билан «маъно», «идеология» деб атайди. Бу табиий ва қонунийдир»⁴¹, – деб ёзади М.Кўшжонов. Худди шу фикрни мунаққид «Ойбек маҳорати» китобида ҳам (1965 йил, 306-саҳифа) такрорлайди. Биз зинҳор М.Кўшжонов ижодини социалистик реализм йўсинида давом этгани, коммунистик мафкурани тасдиқлагани учун қамситиш ниятимиз йўқ.

³⁸ Кўшжонов М. Ижод масъулияти. –Т.: Адабиёт ва санъат, –1981. –Б. 222-223.

³⁹ Кўшжонов М. Маъно ва мезон. –Т.: Адабиёт ва санъат, –1974. –Б. 20-21.

⁴⁰ Кўшжонов М. Маъно ва мезон. –Т.: Адабиёт ва санъат, –1974. –Б. 46.

⁴¹ Кўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. –Т.: Ўздавнашр, –1962. –Б. 116.

Ўша пайтда бошқача йўл тутиш мумкин эмас эди. Лекин Матёқуб Қўшжонов ва унга ўхшаш синчков олимлар бадий адабиёт соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй бераётганини ҳис этганлар. 70-80 – йилларда реализм, соцреализм ҳақидаги карашлар изчил давом эттирилар эди. Лекин М.Қўшжонов «ҳаётни ҳаққоний кўрсатиш» деган тушунча ҳақида мулоҳаза юритади, муҳими, кизик хулосага келади. Ўйлаб кўрилса, М.Қўшжонов модерн адабиёт хусусиятини англаб етган, бу адабиётнинг замини мустаҳкам бўлишини ҳис этган. Бошқача айтганда, мунаққид ҳаётда қандай бўлса, шундай акс эттиришга, изчил реализмга унчалик мойил эмас:

«Санъатдаги товуш, оҳанг, бўёк, шакллар, бадий адабиётдаги сўз билан яратилган воқеалар ҳаётга «таклид». Аммо улар айнан таклиднинг ўзи эмас. Санъаткор ва ёзувчи ҳаёт материални ўзининг санъаткорлик тафаккуридан ўтказди, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор сўзи билан айтганда, «қайта бичиб, қайта тикади». Аниқроғи, санъаткор ҳаёт материални «қайта ташкил қилади», «қайта ташкил қилиш» пайтида санъаткорларнинг ўзлиги намоён бўлади. У шунчаки «таклид», оддий «кўчирма» яратмайди. «Қайта бичиб, қайта тиккан» пайтида ёзувчи дунёкараши, ҳаёт идеали ишга солинади. У ҳаётдан ўз идеалини тасдиқлайдиган томонларни танлайди... Демак, адабиёт ва санъат ҳаётнинг оддий «таклиди», оддий «кўчирмаси» эмас, балки ёзувчи дунёкараши, унинг идеали билан суғорилган «таклиди» ва «кўчирмаси»дир»⁴².

Матёқуб Қўшжонов 80-йилларда адабий жараёни таҳлил этди. Мустақиллик йилларида М.Қўшжоновнинг «Ўзбекнинг ўзлиги», «Абдулла Орипов» сингари илмий асарлари чоп этилди. Мунаққид А.Қодирий, А.Орипов ва бошқа санъаткорлар ижодини янги талқин қилмоқда. Ҳануз олим асарларни талқин ва таҳлил қилишда характер муаммосини асос қилиб олмоқда. Муаллиф «Элим деб, юртим деб...» рисоласида характерни талқин қилишнинг янги йўсинини танлаган. Олим ўз услубини тасдиқлаб бормоқда.

Услуб – ўзлик. Услуб – характернинг ботиний суврати. Услуб, қайсидир маънода, тақдир. Машҳур кишиларнинг илк илмий-ижодий қадамлари билан охириги қадамлари, излари аро узвий бирлик, боғлиқлик бўлади. Иззат Султонов, масалан, 30-йиллардаёқ адабиёт назариясига сифатида танилган эди. Узок умрининг охиригача олим назария муаммолари билан шуғулланди. Матёқуб Қўшжонов ўзбек адабиётшунослигига характер муаммосини олиб кирди. У ўнлаб

⁴² Қўшжонов М. Маъно ва мезон. –Т.: Адабиёт ва санъат, –1974. –Б. 159.

ёзувчилар, шоирлар ижодини характер муаммоси нуқтаи назаридан ўрганди. Озод Шарафиддинов илк китобидаёқ қалб, поэзия масаласини кўтарган эди. Олимнинг барча асарлари, мақолаларида қалб билан боғлиқ муаммолар кўтарилади. У биринчи китобида ёзган эди: «Босиб ўтган ҳаёт йўлингни, эл олдидаги қарзингни ўйлаб кетмайсанми? Ёхуд сеvimли ёринг сенга хиёнат қилса, умидларингни чиппака-ка чиқарса, изтиробга тушмайсанми? Бировнинг қабиҳлигини кўриб ғазабга келмайсанми? Бу ҳисларинг ҳаммаси поэзиянинг кенг ва сахий қалбидан нурланиб чиқиши мумкин»⁴³.

Поэзия – қалб изҳори, унинг нурланишлари, рангланишлари, оғриклари... О.Шарафиддинов сўз санъатининг барча турлари ҳақида ёзди. Лекин олим борлиғи поэзия талқинида тўлароқ, тўқисроқ намоён бўлади. Ярим асрлик ўзбек поэзиясининг талқин ва таҳлили Озод Шарафиддинов мақола, тадқиқотларисиз кемтик, файзсиз бўлиб қолади. Олим табиатан ҳам қалб, эҳтирос кишиси. Юраги буюрганни килиб, қалби ундаганини айтиб, у неча бор ёмонотлик бўлмади, дейсиз? Мана, битта мисол. «Тирик сатрлар»нинг қийин қисмати» мақоласида О.Шарафиддинов ёзади: «Зиёлиларнинг шаҳар йиғилишида ...»

Марказкумнинг мафкура бўйича котиби Рафиқ Нишонов маъруза қилди ва бошқалар қатори мени ҳам Чўлпонни тирилтиришга уринаётганим «мафкуравий калтабинлик» ва ҳатто «мафкуравий диверсия эканини айтди ҳамда ҳали «Чўлпонни ўрганадиган вақт келгани йўқ» деди. Мен ўрнимдан туриб савол бердим: «Совет ҳокимиятининг ярим асрли тўйини кечагина нишонладик. Чўлпоннинг оқланганига ҳам 12 йилдан ошди. Сизнингча, яна неча йиллардан кейин Чўлпонни ўрганишни бошласак бўларкин?». Савол Рафиқ Нишоновга ёкмади. У ношуд ўқувчининг маъносиз саволига жавоб бераётгандай жеркиб берди: «Мен хронологик маънода айтаётганим йўқ. Яна қанча керак бўлса, шунча кутасиз!»⁴⁴.

Озод Шарафиддинов – эҳтиросли инсон, қалб кишиси. Лекин унинг гаплари, мақолаларида ҳароратга, жўшқинликка йўғрилган тиник фикр, нозик мушоҳада, теран ақл ҳамиша етакчилик қилади. Қалб ва ақл -мунаққид О.Шарафиддинов услубининг асоси. Унинг асарларида дадиллик, ишонч узоқ-узоқни кўра оладиган ақл нури билан йўғрилган. Ижодининг бошланишидаёқ у Чўлпон ижодини севди, мана шу санъаткор асарларисиз XX аср ўзбек адабиёти кемтик бўлиб қолишини чуқур англаб етди. Устига устак КПССнинг XX

⁴³ Шарафиддинов О. Замон. Қалб. Поэзия. –Т.: Ўзадабийнашр, –1962. –Б. 30.

⁴⁴ Шарафиддинов О. Сардафтар саҳифалари. –Т.: Ёзувчи, –1997. –Б. 57.

съездидан кейин Чўлпоннинг ҳам меросини ўрганувчи комиссия тузилди. «Комиссия раиси Ёзувчилар уюшмасининг ўша пайтдаги биринчи котиби Баҳром Раҳмонов, аъзолари эса Уйғун, Мирзакалон Исмоилий, Ғулом Каримов ва мен эдим»⁴⁵, – деб ёзади О.Шарафиддинов. Мунаққид Чўлпон ижодини элга танитиш учун ўттиз йилдан ортиқроқ муттасил ҳаракат қилди: не-не маломатларга, пўписаларга, тазйикларга учрамади? 12 йилдирки О.Шарафиддинов, бошқа тадқиқотчилар қатори, Чўлпон адабий мероси ҳақида тадқиқотлар яратмоқда.

Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳорни инсон, истеъдодли санъаткор сифатида севди. Бу инсоний садокатнинг самараси ўлароқ ўнлаб мақола, портрет, тақризлар яратилди. «Абдулла Қаҳҳор» номли китобда Озод Шарафиддиновнинг жаҳон адабиёти ҳақидаги кенг билими, биографик асар ёзишдаги укуви, архив материалларини синчковлик билан ўрганишдаги сабр-тоқати, ижод психологиясидан кенг илмга эгаллиги намён бўлди. Муҳими, Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳорни Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом даражасидаги санъаткор эканлигига ишонади. Абдулла Қаҳҳорга яқин бўлганлиги учун ҳам О.Шарафиддинов неча бор кутқиланди. Абдулла Қаҳҳор ҳам, унинг ижоддаги рақиблари ҳам ўтиб кетдилар. Абдулла Қаҳҳор ижодини, асарларини эмин-эркин талқин қиладиган, холис баҳолайдиган замонлар келди. Қарангки, Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодини бошқача талқин қилиб, ўзгача баҳолайдиганлар ҳозир ҳам пайдо бўляпти. Озод Шарафиддинов «Чинорлардан бири...» мақоласида ўкинч билан қуйидагиларни ёзади: «Бугун бу улуғ инсон ва улуғ адибнинг таваллуд кунлари унинг хотирасини ёдлаб ўтириб, бир нарсани ўйлаб кетдим: ҳар қалай, нима учун унинг тўғрисида босиқлик ва холислик билан ёзиш ўрнига хом-хатала гапларни айтаяпмиз. Унинг ҳақида бунақа гапларни янги тафаккур меваси сифатида тақдим этаяпмиз. Менимча, бу янги тафаккур эмас, аксинча, эски тафаккурнинг талвасаларидан ўзга нарса эмас. Гап шундаки, социалистик тузум ҳаммамизни ҳам мантӣқ қонуниятлари асосида эмас, муайян қолиплар асосида фикрлашга ўргатиб қўйган эди. Биз ҳамма нарсага синфийлик нуқтаи назаридан қарар эдик. Синфийлик эса фақат иккита рангни оқу-қорани, яхши-ю ёмонни тан оларди.

Кимки биз билан бўлмаса, у бизнинг душманамиз. Бугун ҳам шу, рангпарастлик ҳақиқатни тугал қўришимизга ҳалакит бермаяп-

⁴⁵ Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. –Т.: Ёзувчи, –1994. –Б. 37.

тимикин? Ёки Герострат шухратига эришиш иштиёки голиб келиб кетадими?»⁴⁶.

Озод Шарафиддиновнинг юқоридаги фикрлари ўзбек танкидчиларига йўналтирилган. Мунаккид О.Шарафиддинов ўзбек танкидчилиги қозонида қайнади, ўзбек адабий-танкидий муҳитида шаклланди. Ўзбек танкидчилиги, мунаккидлари ҳақида Озод Шарафиддиновдан кўп ёзгани камдан-кам топилади. «Чўлпонни англаш» китоби, «Ўзаллик излаб» асаридаги «Адабий танкид муаммолари» бўлими, «Ҳақиқатга садоқат» китобидаги «Янги авлод тўлкини»,

«Адабий танкид замон хизматида» мақолалари ўзбек адабий танкидчилиги тарихи, муаммолари, авлодлари ҳақида. Бундан ташқари, О.Шарафиддинов Чўлпоннинг, Ойбекнинг адабий-танкидий қарашлари ҳақида, Отажон Ҳошимнинг ижод йўли тўғрисида тадқиқотлар яратган. Танкид тарихи, хусусан, ўзбек танкидчилиги тараққиёти йўлини, унинг намояндалари ижодини тўлиқ билиши Озод Шарафиддинов услубининг ёркин кирраси ҳисобланади. У адабий танкидчидаги масъулият ҳиссини, кенг фикрлиликни, бетакрор услубни юксак қадрлайди. Мисолларга мурожаат қиламиз. «Чўлпон танкидий фаолияти билан эстетика соҳасида янги бир таълимот яратишни мақсад қилиб қўймаган бўлса-да, унинг мақолаларини ички яхлитликдан маҳрум, ҳар хил йилларда ҳар хил муносабатлар билан ёзилиб, ҳар хил нарсалар тўғрисида баҳс юритувчи пароканда асарлар йиғмасидан иборат деб қараш мумкин эмас. Аксинча, ҳар бир мақоланинг юғурик мисралари ортидан Чўлпоннинг ўзи қараб тургандай бўлади. Ҳар бир мақолада Чўлпон шахсиятининг аниқ муҳри борки, худди шу нарсаларни яхлит бир ҳолга келтириб туради».⁴⁷ Алишер Навоий тўғрисидаги «тадқиқотда Ойбекнинг билими гоят чуқур экани, фикрлаш доираси бениҳоя кенглиги, мураккаб ва чигал масалаларни дадил қўя олиши аниқ кўринади».⁴⁸

И.Султон ҳақида О.Шарафиддинов бундай ёзади:«... адабиётшунос ва мунаккид асарларини халқ учун ардокли қиладиган зарур шароитлардан бири – уларда ўзак масалалар кўтарилиши билан бир қаторда, бу масалалар ҳақида айтиладиган фикрнинг теранлигида ҳамдир. И.Султонни ўзбек адабиётшунослигининг отахон арбобига айлантирган асосий сифат ҳам худди шунда – унинг асарлари ҳаммиша теран фикрларга бой бўлади. Олим адабиёт фактларини жуда

⁴⁶ Шарафиддинов О. Сардафтар саифалари. –Т.: Ёзувчи, –1999. –Б. 155-156.

⁴⁷ Шарафиддинов О. Истиқлол фидойилари. –Т.: Шарқ, –1993. –Б. 43.

⁴⁸ Шарафиддинов О. Ёаёт билан Ёамнафас. –Т.: Ёш гвардия, –1983. –Б. 19.

яхши билади, лекин уларни ҳеч қачон қуруқ санаш билан ёхуд уларга шунчаки изоҳ бериш билан чекланиб қолмайди. У бирон бир конкрет асарга тақриз ёзадими, адабиётнинг бирор жанрига обзор берадими, проблематик мақола ёзадими, барибир, адабиёт ҳақида чуқур фикрлар айтишга, фактлар ва ҳодисаларнинг моҳиятини очишга ҳаракат қилади»⁴⁹. И.Султон услуби ҳақида айtilган фикрлар мана бу – М.Қўшжонов ижодининг асоси тўғрисидаги қарашларга ҳамоҳанг: «М.Қўшжоновнинг мақолалари фикрий теранлиги билан ўқувчини ўзига ром қилади. Ундаги энг яхши томонлардан бири шундаки, мунаққид конкрет асарни таҳлил қилар экан, ҳатто асардаги бирор қаҳрамон ёхуд персонаж тўғрисида сўзлар экан, китобхонга сездирмай, уни жузъий масалалардан умумий масалаларга етаклайди, энг муҳим назарий проблемалар ҳақида ўйлашга ундайди... М.Қўшжоновнинг мақолалари ўзи фикрга бой бўлгани учун ҳам ҳамиша китобхоннинг фикрини уйғотади, уни интеллектуал активликка қўрайди. Фикр ғойибдан келмайди, албатта. М.Қўшжонов мақолаларидаги фикрий теранликнинг ҳам ўз манбалари бор – буларнинг бири билимнинг чуқурлиги, адабиётшунослик илмининг ҳамма ютуқларидан бохабарлик, иккинчиси эса, ҳаётий тажрибанинг зўрлиги. М.Қўшжонов кечаги кунимизни ҳам, бугунги ҳаётни ҳам беш бармоғидай яхши билади»⁵⁰.

О.Шарафиддинов Иброҳим Ғафуров ижоди ҳақида ёзар экан, фикрий теранлик масаласини бошқачароқ тарзда ифодалайди. Иброҳим Ғафуров «ўзини ижодкорга ақл ўргатувчи донишманд деб ҳисобламайди, аксинча, ҳар мақолада санъаткор шахсиятига, унинг ноёб истеъдодига теран ҳурмат, самимий муҳаббат билан қалам тебратади. Лекин бу ҳурмат ва муҳаббат қуруқ мақтовларда, муболағали олқишларда, кўпиртирилган баҳоларда намоён бўлмайди. Мунаққид санъаткор асари баҳонасида ҳаёт ва ижод тўғрисида мустақил фикрлайди, фикрлаш жараёнида эса китобхон кўз ўнгида санъаткор шахсиятининг ўзига хос қирралари ҳам, ижоднинг машаққатли ва айни чоғда сурурли онлари ҳам, асар вужудига сингиб кетган гўзаллик ва маънодорлик ҳам очилиб боради. Иброҳим санъаткор ва унинг асари тўғрисида мулоҳаза юритар экан, йўл-йўлакай шундай умумлашмалар чиқарадики, уларда санъатнинг умумий муаммолари, моҳиятли масалалари лўнда ва ихчам ифодаланган бўлади»⁵¹.

⁴⁹ Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб...» -Т.: Адабиёт ва санъат, -1985. -Б. 192-193.

⁵⁰ Уша асар. -Б. 218-219.

⁵¹ Шарафиддинов О. Ҳақиқатга садоқат. -Т.: Адабиёт ва санъат, -1989. -Б. 346.

Фикрнинг теранлиги, О.Шарафиддинов эътиқодича, адабиёт-шунос ва танкидчи ютуғининг асосий омили. Мана шу хусусияти боис И.Султонов ҳар гал масаланинг ўзак томонини марказга қўяди, «тарғиботчилик ва ташвиқотчилик фаолиятини ўзи учун фахрли иш деб билади», «Илмнинг забардаст ташкилотчиси» даражасига кўтарилган. М.Кўшжоновдаги фикрий теранлик «ғоявий таҳлилни бадий таҳлилга» улаб юборишга, «социологик таҳлил билан эстетик таҳлил» чатиштириб юборишга ундаган; фикрий ихчамлик туфайли Умарали Норматов «оддий нарсаларни чалкаштириб, узундан-узок қилиб, мураккаб шаклда ифодалаб, ўзининг «доно»лигини намойиш этмайди, аксинча, мақолаларида соддаликка, ихчамликка интилади» (207-бет). Фикрий теранлик ўз-ўзидан бадий маҳорат томон бошлайди. О.Шарафиддинов фикрловчи, мушоҳадаси кенг олим-мунаққидларнинг маҳоратига ҳам эътибор беради. У Иброҳим Ғафуров ҳақидаги мақоласида адабий танкиднинг илдиз масалаларига диққатни жалб қилади: «Маълумки, адабий танкидда таҳлилнинг турли усуллари, шакллари мавжуд. Баъзи танкидчилар социологик таҳлилга, баъзилар психологик таҳлилга, яна бошқа бировлари эстетик таҳлилга кўпроқ мойил бўлишади. Буларнинг ҳар қайсиси ўз устунликларига ва нуқсонларига эга. Менимча, ўз ижодида шуларни бирлаштира олган танкидчи катта муваффақиятга эришса керак. Иброҳимда таҳлилнинг ана шундай шаклига интилиш бор – уни синтетик таҳлил деб аташ мумкин»⁵². Озод Шарафиддинов ёш мунаққидлар фаолиятини кузатар экан, мушоҳада юритиш масаласига, бадий маҳоратга эътиборни қаратади. «Масалан, Михли Сафаров адабий авлод фақат хронологик ходиса эмас» деб қарайди, – деб ёзади О.Шарафиддинов «Янги авлод тўлкини» мақоласида. – У «адабиётдаги ҳар бир янги ёзувчилар авлоди замондошларининг маънавий қиёфасидаги типик, характерли тарихий-ижтимоий янгилекларни бадий кашф этиши, ана шу йўл билан адабий тараккиётга сифат ўзгаришлари олиб кириши керак», деб масалани жуда тўғри қўяди ва ёшлар ижодидаги «сифат ўзгаришлари»ни аниқлашга ҳаракат қилади» (91-бет). Хуллас, О.Шарафиддинов янги ўзбек танкидчилигидаги ҳолатларни, ўсиш-ўзгаришларни, нуқсонларни чуқур англайди.

Озод Шарафиддинов услубигагина хос яна бир хусусият бор. У адабий танкид назариясини мукамал билади, адабий танкиднинг жанр ва шаклларини нозик фарқлайди. Мунаққид ижодида адабий танкиднинг такриз, адабий шарҳ, адабий-биографик очерк, адабий

⁵² Шарафиддинов О. Ҳақиқатга садоқат. –Т.: Адабиёт ва санъат, -1989. –Б. 349.

портрет, бадиа, муаммоли макола сингари жанрида ёзилган кўплаб асарлар бор. Кўпчилик мунаққидлар адабий портрет билан биографик очеркни фаркламасликлари мумкин. Аммо Озод Шарафиддинов «Яловбардорлар» тўпламига факат очеркларни, «Истеъдод жилолари»га портретларни киритганлигини жуда яхши англайди. Очерк билан портрет ҳажман бир-бирдан фарқ қилмайди. Аммо ҳар иккала жанрнинг ўз тузилиши, ички қонуниятлари бор. Биографик очеркда санъаткор ҳаёти ҳақида мукаммал маълумот берилади: унда хронологияга, адиб ҳаёти ва ижодининг фактларига, маълумотларга эътибор қаратилади. Адабий портретда санъаткор ҳаёти ва ижоди ички драмалари, руҳий курашлари асосида ёритилади. Бошқача айтганда, адабий портретда санъаткор характери, руҳий суврати очилади. «Истеъдод жилолари», «Халқ бахтининг оташин куйчиси» портретларида Абдулла Қаҳҳор ва Ғафур Ғуломнинг ҳам инсон, ҳам санъаткор сифатидаги ўзига хосликлари кўрсатилади. О.Шарафиддинов мукаммал портрет яратиш учун олдин эскизлар яратади: «Чўкки», «Дарёдил шоир» мақолалар портрет эскизлари дейиш мумкин.

О.Шарафиддинов ижодида адабий шарҳлар муҳим ўрин эгаллайди. Аммо «Йиллар ва йўллар» шарҳи билан «Шеъринг эстафетаси давом этмокда» шарҳининг қиммати бир хил эмас. «Йиллар ва йўллар»да ярим асрлик ўзбек шеърятининг илмий-киёсий шарҳи берилган бўлса, иккинчи шарҳда бир йиллик поэзиянинг саноғи, салмоғи баҳоланади.

О.Шарафиддинов асарларида эҳтирос, жўшқинлик диққатни жалб этади. Мунаққид Ёелинский асарларини завқ билан ўқиганини, унга ҳавас қилганини ёзади. «Зулфия», «Миртемир» портретларидаги шоирона кириш диққатни жалб қилади.

Мунаққид тақризларида асарга берилаётган баҳо мақола руҳдан англашилади. «Келажакка чорловчи кисса», «Заҳарли қаҳқаҳа» тақризларида «Синчалак»ка, «Тобутдан товуш»га муносабат аниқ сезилиб туради.

О.Шарафиддинов услубига хос муҳим хусусият шуки, у адабий танқидчи учун юксак маданият, масъулият, энг муҳими, мушоҳаданинг кенглиги деб билади. У қайси танқидчи ҳақида ижобий фикр айтган бўлса, ундаги фикр, мушоҳада ёлкинига алоҳида эътибор беради. Табиийки, одам ўзида йўқ нарсани ўзгалардан талаб қилолмайди. О.Шарафиддинов қайсидир масалани ўртага қўйса, унинг кўп томонларини аниқ, изчил ёритиб беради. «Шеър кўп, аммо шоир-чи?» шарҳ-мақоласида шеърятдаги ўртамаёнчилилик ва унинг хусусиятла-

рини кенг ёритади. Шу мақолада у истеъдод ва унинг табиати ҳақида нозик кузатишларини кўрсатиб беради.

Мунаққиднинг «Ҳаётгиллик жозибаси ва схематизм инерцияси», «Шеър кўп, аммо шоир-чи?», «Бир тилда гаплашайлик», «Генерал Равшанов» романи ҳақида», «Мағзи пуч сўзлардан бир тош нари коч!» мақолаларида дадиллик, курашга ундаган фикр, масъулият ҳисси кўзга аниқ ташланади. О.Шарафиддинов «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» (Ў.Умарбеков). «Шеър маълумоти ва фикр равонлиги» (Сафо Очил), «Ўзбекнома» (Б.Бойкобилов), «Генерал Равшанов» (И.Раҳим) асарлари ҳақида салбий мақола ёзган экан, демак, у асарлар баҳонасида ўзининг эстетик карашларини, адабий-танқидий эътиқодини баён этган. О.Шарафиддинов асар ҳақида танқидий фикр айтар экан, зинҳор муаллифга бўлган антипатиясини билдирмайди. Бўш асарлар танқид қилинган мақолаларида у жиддий, муҳим муаммоларни ўртага ташлайди. Аниқроғи, битта асар ҳақида билдирилган фикрлар адабиётимизда илдиз отиб кетиши мумкин бўлган салбий тамойиллар олдини олади. Фош қилувчи мақолада мунаққид ўта жиддийлик билан мулоҳаза юритади, ҳар бир далилни атрофлича исботлашга интилади.

О.Шарафиддинов – XX асрнинг II ярмидаги ўзбек танқидчилигининг ёркин намояндаси. Лекин айтилганлардан О.Шарафиддинов ҳар томонлама идеал танқидчи деган фикр чиқиши керак эмас. Мунаққид – ўз даврининг кишиси. Унинг ижодида мумтоз адабиёт ҳақида ёзилган жиддий тадқиқот учрамайди. Ваҳоланки, М.Шайхзода, И.Султон, Ҳ.Ёқубов, И.Ғафуров, И.Ҳаққуловлар ҳам замонавий, ҳам мумтоз адабиёт ҳақида мақолалар ёзганлар. Озод Шарафиддинов, А.Орипов, Э.Воҳидов, О.Матжон, Абдулла Шер сингарилар ижоди ҳақида бир канча мақолалар ёзди-ю, Н.Эшонкул, А.Қутбиддин, Чўлпон Эргаш ҳақида ёзмади. Бошқача айтганда, Озод Шарафиддинов ўзбек модерн адабиёти ва унинг намояндалари ҳақида фикр билдирмайди. Эҳтимол, Озод Шарафиддинов ўзбек модерн адабиёти чуқур мулоҳазаларга материал беролмаслигини ҳис қилгандир. Беайб парвардигор деганимиздай, О. Шарафиддинов ижодида маромига етмаган портретлар, биографик очерклар бор. Лекин, барибир, О.Шарафиддинов XX аср ўзбек танқидчилигининг ўз киёфасига, услубига эга бетакрор намояндасидир.

Адабий танқидда қадимдан учта услубий йўналиш бўлган: фалсафий, публицистик ва шоирона. Ўзбек танқидчилигида ҳар учала йўналишдаги танқидчилар мавжуд.

Матёқуб Қўшжонова эстетик – публицистик, Озод Шарафиддиновда ҳиссий-образли ёхуд шоирона услуб кўзга ташланади.

Адабий танқиддаги барча услублар адабий жараёни таҳлил, талқин қилишга йўналтирилган бўлади. Ҳар бир танқидчи ўзига хос усулда адабий жараёни таҳлил, талқин қилади, асарларни баҳолайди.

1. Пироманов, М. "Эстетика ва адабиёт". Ташкент, 1978.

2. "Советский эстетик", Москва, 1978.

3. "Советский эстетик", Москва, 1978.

4. "Советский эстетик", Москва, 1978.

5. "Советский эстетик", Москва, 1978.

6. "Советский эстетик", Москва, 1978.

7. "Советский эстетик", Москва, 1978.

8. "Советский эстетик", Москва, 1978.

9. "Советский эстетик", Москва, 1978.

10. Шарафиддинов О. "Ҳақиқат ва ҳаёт". Ташкент, 1978.

11. Ҳақиқатов Н. Шайхонӣ – руҳий муносибат. Т. 1. Тошкент, 1989.

1. Адабий танқиднинг асослари. Ташкент, 1978.

2. Адабий танқиднинг асослари. Ташкент, 1978.

3. Адабий танқиднинг асослари. Ташкент, 1978.

4. Адабий танқиднинг асослари. Ташкент, 1978.

5. Адабий танқиднинг асослари. Ташкент, 1978.

6. Адабий танқиднинг асослари. Ташкент, 1978.

7. Адабий танқиднинг асослари. Ташкент, 1978.

8. Адабий танқиднинг асослари. Ташкент, 1978.

ҚЎЛЛАНМАГА ИЛОВА

“Микроанализ имкониятлари” бўйича саволлар.

1. “Матннинг адабий-танқидий таҳлили” деганда нимани тушунасиз? “Матннинг лингвистик таҳлили” деганда-чи?
2. “Синчиклаб ўқиш” микроанализнинг ўзига хосликлари нималарда намоён бўлади?
3. “Синчиклаб ўқиш” тарихий-функционал ёндашувнинг ишончли йўли эканлигини исботланг.
4. Ҳамза асарларига мафқуравий ва микроанализ бўйича ёндашув.
5. Абдулла Қаҳҳор асарларини таҳлил қилиш босқичлари.
6. “Сароб”нинг ҳар хил “ўкилиши”, “таҳлил қилиниши”: дунёқараш, услуб, дид масалалари.

“Таҳлил услуби” боби бўйича саволлар.

1. Адабий танқидчи услуби ёхуд таҳлил услубининг умумий томонларини айтиб беринг.
2. Бадий характер нима? Унинг тарихи ҳақида сўзланг.
3. М.Қўшжонов услубининг етакчи хусусияти нимада?
4. Матн ва кечинмадошлик; матн ва мафқуравий ёндашув муаммосига муносабатингиз.
5. Шеъринг матни таҳлил қилишнинг ўзига хосликлари нимада кўринади?
6. О.Шарафиддиновнинг услубининг етакчи хусусиятлари нимада?
7. О.Шарафиддиновнинг таҳлил услуби ҳақидаги қарашлари.
8. Услуб ва адабий танқид жанрлари аро боғлиқликни гапиринг.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XIX асрлар Т.: “Ўзбекистон”, 1993.
2. Егоров Б. О мастерстве литературной критики. Л.: Советский писатель, 1980.
3. Проблемы теории литературной критики. М.: Изд. МГУ, 1980.
4. Содик С. Сўз санъати жозибаси. Т., “Ўзбекистон”, 1996.
5. Щукина Т.С. Теоретические проблемы художественной критики. М.: “Мысль”, 1979.
6. Фромм Э. Душа человека. М.: Республика, 1992.
7. Хайдеггер М. Разговор на просёлочной дороге. М.: Высшая школа. 1971.
8. Художественная коммуникация и семиотика. М.: “Наука”, 1986.
9. Кўшжонов М. Ижод сабоклари. Т.: “Ёш гвардия”, 1973.
10. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. Т.: “Ёзувчи”, 1994.
11. Ҳаққулов И. Шерърият – рухий муносабат. Т.: Адабиёт ва санъат. 1989.